

# **Мұхаммад Юсуф ИШҚ КЕМАСИ**

*Шеңрлар*

**Тошкент**

**Ғафур Ғулом Номидаги нашриёт-матбасы  
1991**

**IO 4702620202—24**  
**M352(04)—91** **42—91**

**ISBN 5-635-00716-3**

# МЕХР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

\* \* \*

Шеърият,  
Эй бевафо санам!  
Қўлларингдан маҳкам тутарман,  
Сейдан ҳар нарсани кутарман,  
Сен бир малҳам,  
Сен бир ширин ғам...

Сен борсанки заҳматларим бор;  
Бу дунёда ортирган зорим —  
Узламай қон ютган кунларим  
Учун сента раҳматларим бор!

Осмонингда итинг — хаёлим:  
Йўлинг пойлаб ўтгайман сенинг,  
Кўяглинг кимда билмайман сенинг,  
Сен кўкда қўл етмас ҳилолим.

Рудим кўкда,  
Тупроқда танам,  
Багримни тилкалар бир оғриқ  
Энди бахтим ўзингга боғлиқ —  
Шеърият, эй бағритош санам!..

\* \* \*

Севги бамисоли лолақизғалдоқ,  
Тегинмай бўлмайди,  
Тегсанг тўқилар.  
Алвоң бир гумбазнинг ўртаси оппоқ...  
Буни бир мену бир капалак билар.

Мен ўша гумбазга бошимни суқдим —  
Қизил кўйлакли бир қизгина кулар.  
Бундай боқма менга; уқдингми?  
Уқдим...  
Буни бир мену бир капалак билар.

Сўнг у оқканотим учдию кетди,  
Унинг умри бир кун — чошгоҳда ўлар.  
Момо Ер айланиб манзилга етди,  
Буни бир мену бир чархпалак билар...

Севги бамисоли ғарқ пишган шотут,  
Тегинмай бўлмайди,  
Тегсанг тўқилар.  
Севдингми, юз йил кут,  
Севмасанг унут!..  
Бунисин бир мену бир малак билар.

Ў мени кутади юз йилдан сўнг ҳам.  
Кўр бўлиб қолгунча йўлга термулар...  
Севги — менинг барча дардимга малқам,  
Буни бир ўзиму бир юрак билар.

## **ОРЗУ**

**Түғилмасдан олдин мен  
Чиқиб арши аълого,  
Ойни ўпид, қолдим мен  
Юлдузлардан балога.**

**Түғилгандан то шу дам,  
Құмсақ кеча-кундузлар,  
Ой қани, деб йигласам,  
Фийбат қиласар юлдузлар..**

**Ҳиққиллама, ҳей юрак,  
Дунё билан ишім йўқ.  
Бўлса менга Ой керак.  
Юлдузларга ҳушим йўқ!**

\* \* \*

Жетиб қолдим далага,  
Етиб олдим далага,  
Құлимни болиш қилиб,  
Етиб олдим далага.

Қанотлари күк, майин,  
Бир калалак тинмайин,  
Айланарди тепамда,  
Түгішган укамдайин:

Нима бүлди; оғажон,  
Нима қилди, Оғажон,  
Оғажон, ранжитди ким?..  
Түй бүляпти дедим, жим!

У кулди: бүлманг ҳафа —  
Қызлар бари бевафо!..

\* \* \*

Туя  
келиб  
Қизғалдоққа суйкалди.  
Бүйнин чүэзіб әнди етдим деганда  
Гул түкилиб кетди.  
Тақдир экан-да...  
Бироннинг уйин бузилгани қолдыш.

\* \* \*

Муҳаббат, сен чиройли,  
Муҳаббат, сен гўзалсан.  
Тағин бир зум турайлик,  
Гапирмайман, уялсанг...

Сўнг кетармиз. Сездимки  
Мен орзуга етмадим.  
Сени шундай севдимки  
Қўлингдан ҳам тутмадим.

Қўлинг... сенинг қўлларинг,  
Мулойимдир эҳтимол.  
Айри тушди йўлларим,  
Севар ёrim, яхши қол.

Муҳаббат, унут мени,  
Ва мен ҳам... унутмайман.  
Тушларингда кут мени,  
Тушларингга киргайман...

Муҳаббат, сен чиройли,  
Муҳаббат, сен гўзалсан.  
Кел, кўришиб турайлик,  
Саломлашмай, уялсанг.

## **МАНЗАРА**

Бедапоя тўридаги жуфтин қидириб,  
Сайрай-сайрай жимиб ҳолди бедана дилгир.  
Сув сумбулни ваъдасига кўмиб, кўндириб,  
Ўинатгани олиб кетди ирмоқ қайгадир.

Қир томондан пода қайтиб келаркан қатор  
Кумуш соҳил бўйларига чанглар ястаниб,  
Қишлоқнинг энг чеккасидан баҳайбат чинор  
Уфқ тарафга қараб қўйди хавотирланиб.

Қуёш осмон этагига осилиб мана,  
Бир хўрсиниб, кўздан гойиб бўлдию кейин,  
Қўшни қизнинг ҳавасини келтириб яна  
Толкўчага сув селишни бошлади келин...

## **БИР ҚИЗ БОР**

Бу баҳайбат ҳовлида  
Нозиккина қиз яшар.  
Бир кун кўзим тушган, у  
Бизлар тенғги, биз яшар.

Ойдек десам — тўлик ой,  
Гулдек десам — гулдай бор.  
Лекин жуда эркатой,  
Лекин жуда димоғдор.

Бу эркатой қизгина  
Мени писанд қилмайди.  
Бу дунёда биргина  
Мен гапирсам кулмайди...

Ҳашаматли бу уйга,  
Қайдан тушди нигоҳим?  
Ўша менинг азобим,  
Ўша менинг гуноҳим.

Ўша-ўша мен юрган  
Йўлимга ўй тўшайман.  
Қари онам кўзига  
Қаролмасдан яшайман...

\* \* \*

Ёлғон ёмон дерлар,  
Хушомад ёмон.  
Ёмонликнинг бари ёмондир, бироқ  
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —  
Софинмай яшамоқ...

Тилга келганини айтаверамиз.  
Суриштирмай ростдир-ёлғондир, бироқ  
Менимча дунёда энг катта гуноҳ —  
Қари қиз ҳақида ғийбат тўқимоқ.

Ким бу шеърим ўқиб ошкора кулса,  
Бечоралар ичра бечора билса...  
Менимча дунёда энг оғир гуноҳ —  
Ҳиринглаб шеър ўқимоқ!

\* \* \*

Узун кеча ўзингни ўйлаб.  
Дардларимни елларга сўйлаб,  
Тушларимни қишининг қорига.  
Тонгни кутаяпман сокин, жим  
Тонгни кутаяпман севгилим  
Қиё боқмай ой рухсорига...

Сенсиз ўтган умримдай маҳзун,  
Сенсиз ўтган умримдай узун,  
Ушбу совуқ тун ҳам зим-зиё,  
Тонгни кутаяпман сокин, жим  
Тонгни кутаяпман севгилим,  
Юлдузларга қайрилмай қиё...

...Юракни қон қилди бу кеча,  
Тонгга, қанча қолди тонггача?  
Эзоҳ сўнгги бардошим сўнди,  
Қандай яшай севгилим сенсиз?  
Қандай яшай, етар-э юлдуз  
Ой бўлса ҳам ботсими-да энди...

\* \* \*

Азизимсан,  
Бактиёrimсан.  
Ишонганим — вафодоримсан.  
Елгизимсан... Умринг ўлчовли  
Қарға эса мингга киради.

Билиб юрар,  
Кўриб туради.  
Қузғун — ажал топар бехато.  
Жондан ортиқ кўраман лекин  
Сени боғлаб қўйган йўқ, ота...  
Қарға эса мингга киради.

Юрак токай уриб туради?  
Юрак тингай тўлса паймона.  
Маъюс чеҳранг кўксимни ёқиб  
Сен ҳам бир кун ўтарсан, она  
Қарға эса мингга киради.

Ииллар бизни ўраб туради.  
Уйда, йўлда, шошиб — шошмасдан  
Хайрлашиб — хайрлашмасдан  
Эриб, оқиб ўтаверамиз  
Қарға эса мингга киради...

Сочгум гулдай дунёга меҳрим.  
Токи юрак уриб туради.  
Сен абадий яшайсан, шеърим —  
Қарға фақат мингга киради.

## **БОЛАКАЙ**

**Утлар босиб кетган бунда изимни,  
Шамолтегирмон йўқ.  
Сунтегирмон йўқ.  
Қандай эслай энди болалигимни.  
Ўша жингалаксоч, юзи ширмон йўқ.**

**Ариқ бўйидаги момоқаймоклар  
Мени таниғандек жилмаяр холос.  
Биз ёт элда қилдик қанча гуноҳлар,  
Қўлим, бу гулларга тегма, илтимос...**

**Қоп-қора бир бола менга термулар,  
Шоир номимгами келар ҳаваси.  
Бола-да, болакай, нимани билар,  
Менга ҳавас унинг том зуваласи!**

**Кўнгил, келишайлик кел энди, кўнгил.  
Энди эсламоқ йўқ ўтган ишларни.  
Нимадан айрилдик — жаазосидир бил,  
Бизнинг қилмишларни...**

**Фақат ўша бола...  
Ўша болакай.  
Жуда истараси иссиқ кўзимга.  
Қайга борсам юрар ортимдан қолмай,  
Қараб турсам жуда ўхшар ўзимга!**

## **САНАМ**

Бир қараб қўйсанг надир  
Бизга ҳам тоҳо санам.  
Менга сенсиз бекадр  
Дунё санам, дунё санам.

Сен ўзинг шамсу ҳилол,  
Куйдирги ёр, соҳибжамол.  
Сенсиз ул осмонда йўқ  
Маъно санам, маъно санам.

Кўзлари жайрон ўзинг,  
Ўз ҳуснига ҳайрон ўзинг.  
Тенгги йўқ, тимсоли йўқ  
Зебо санам, зебо санам.

Бон, ажаб ғавғодамиз,  
Севги деган саҳродамиз.  
Қайс ўзиму сен экан  
Лайло санам, Лайло санам...

Бир қараб қўйсанг надир  
Бизга ҳам тоҳо санам.  
Менга сенсиз бекадр  
Дунё санам, дунё санам.

## ҚИЗ ҚАРҒИШИ

Ешлигимни ҳазон қилган  
Бевафо ёр.  
Бу дунё у дунё бўлгин  
Севигига зор...

Эрмак қилиб, қон йиглатдинг  
Мени мудом.  
Эрмак умрим насиб этсин  
Ўзингга ҳам.

Сен кирган боғ гулзорлари  
Битсин қуриб,  
Сен борган төғ юзини буриб,  
Кетсин юриб.

Суви қуриб сен сув ичгани  
Ариқларнинг.  
Ўволига қолгин тилла  
Балиқларнинг.

Кўкармасдан кўнглинг кунда  
Йигласин бир,  
Тош бағрингда тошмеҳр қиз  
Ухласин бир...

Ешлигимни ҳазон қилдинг,  
Бевафо ёр,  
Бу дунё у дунё бўлгин  
Севигига зор.

Ойдинда ҳам кўрмай қолсин  
Кўзинг тикиб.  
Кокилимга теккан қўлинг  
Тушсин синиб!..

\* \* \*

Жомимда жон қолмас югуриб-елиб,  
Кўнгил айтганимга кўнади бир кун.  
Туғишган синглимдек соғиниб келиб  
Капалак кафтимга қўнади бир кун...

Майсалар кун билан кўришгандек юз,  
Туармиз жилмайиб бесёз, беармон.  
Мен унинг ҳанотин силарман маъюс,  
У менинг кафтимни силар меҳрибон.

Капалак қўлимга қўнади бир куни...

\* \* \*

Мудроқ босгаш дилим, айтамак бир сир,  
Тангри уйқуни ҳам паллада тортар.  
Уйку — насияга берилган қарздири.  
Уйқунг ортган сари қарзинг ҳам ортар!

## ЭРТАК

Эртагим чўзилди, менинг эртагим...  
Эртага энди бу дунёдан ўтсам,  
Ҳаёт, азизим сен ҳафа қилмагин  
Менинг хунуқкина қизларимни ҳам.

Кўнглимдан тўкилган куйлар нимадир,  
Алвон қўшиқларим ўчар изимдан.  
Езган китобларим — қоғоз кемадир,  
Мен кетсан улар ҳам кўчар изимдан.

Кулга кўмдим олтин фурсатларимни,  
Энди бир кун фақат дадил ва ўқтам  
Шоирчалар қисса гийбатларимни,  
Балки, бирон кимса эслар мени ҳам.

Эсламаса нима, мен бир тўпори,  
Қышлоқи сўзбозни, осмон йиқилмас.  
Уриб турган ҳалбинг тирикдир зори,  
Тўхтаганидан сўнг юрак сиқилмас...

Мен севинг борингга бўлдим парвона.,  
Саҳроларинг кезиб толди товоним.  
Кипригим олдида турибди, мана,  
Товусдай товланиб охир довоним.

Эртагим чўзилди, менинг эртагим,  
Тонгни кўролмасдан дунёдан ўтсам,  
Ҳаёт, ёлғизим сен ҳафа қилмагин,  
Менинг шарангина қизларимни ҳам!

## НАВРУЗ

Наврӯзда наврӯзни кўминг дейишди,  
Кўминг ва сукутга чўминг, дейишди.  
Эскилик сарқити асли бу сайил,  
Эй, бандай мўмин, дейишди...

Мўминларнинг боши эгилди ерга,  
Ғалат қирғинбарот бошланди, дўстим.  
Гўдаклар жанг қилди, оқсоқоллар жим,  
Шундай кўп эканки олчоқлар бизда  
Шахсан мен бир йилда ўн йилга ўсдим!

Бирор демадики, эй гулираъно,  
Наврӯзларсиз ахир сенда не маъно?..  
Хушомад ёғилди иблис изига,  
Шайтонга ўқилди минг ҳамду сано.

Хўш, кейин ие бўлди дерсиз, кейин-чи?  
Мўътабар саҳнадан тушди «Ўйинчи».  
Қайга гойиб бўлди худо билади,  
Ўша худосизни, излаб кўринг-чи...

Жонингдан айланай, Наврӯз кел энди,  
Қирқ йил қирғиндан ҳам омон ҳолганим.  
Мен сени ҳеч кимга бермайман энди,  
Ялмоғиз қўйнидан тортиб олганим!

\* \* \*

Баҳор ўтди  
Ёз ўтди сўлим.  
Шерикман куз ҳаяжонига.  
Ҳишлоққа ҳеч тушмади йўлим,  
Боролмадим онам ёнига.

Боролмадим онам ёнига  
Шеърларимни қилдим баҳона...  
У сандалга кирди сояқотиб,  
Оппоқ қорда қолди Фарғона.

## **ҚИЗИЛ ГУЛ**

Қизил гул, қўйнимда ухлаб ётган гул,  
Қўллари бўйнимда ухлаб ётган гул,  
Киприги кўксимга тиғдек ботган гул,  
Сенга нима керак яна эй, кўнгил...

Ёнимда солланар қирқ тилла кокил,  
Тўлғонар, товланар қирқ тилла кокил,  
Жонимдан айланар қирқ тилла кокил,  
Сенга нима керак яна эй, кўнгил...

Бешикни тебратиб чинқирап оҳим,  
Юзлари оппогим, кўзи мунчоғим,  
Бу ёруғ дунёда ўчмас чирогим,  
Сенга нима керак яна эй, кўнгил...

Жонимни чўқийди бир қуш келиб жим,  
Мен сени билмайман эй, қушча сен ким?...  
Сен менга ҳечкиммас, мен сенга хеч ким,  
Сенга нима керак яна эй, кўнгил.

Қизил гул, кўйнимда ухлаб ётган гул,  
Қўллари бўйнимда ухлаб ётган гул...  
О, менинг кўксимда йиглаб ётган гул  
Кўнгил, сенга яна не керак кўнгил?

## **ТУШЛАРИМГА КИР**

Капалакдай келиб,  
Қошингта қўниб,  
Кўзингга термулиб умрим ўтсайди...  
Нима ҳам кўрибман мен йигит бўлиб?  
Сочингни силөшга қўлим етмайди.

Пешонам шу экан, пешонанг шудир,  
Тушимга кир энди, тушларимга кир.

Тованинг ўлади ариқдаги сув,  
Кўйлагинг этагин ўлади майса.  
Мен-чи, бир гиёҳча бўлолмадим-ку,  
Эй, кўзлари жайрон, килриги наиза!

Пешонам шу экан, пешонам шудир,  
Тушимга кир энди ,тушларимга кир.

Кўчиб бораётир бу умр — карвон,  
Куиларнинг бўйнида юрак кўнгироқ.  
Мен сенга армону сен менга армон,  
Кўнглимнинг тўрида тураг шамчироқ.

Пешонанг шу экан, пешонам шудир,  
Тушимга кир жоним, тушларимга кир....

**Капалакдай келиб, қошингга қўниб,  
Жўзингга термулиб умрим ўтсайди.  
Қолдингу бағримда жонимдек бўлиб,  
Сочингни силашга қўлим етмайди.**

**Пешонам шу экак, пешонанг шудир,  
Тушимга кир энди, тушларимга кир...**

\* \* \*

Қарамайди қайрилиб бир бор —  
Мен турибман остоңада зор.  
Ойни узиб берсанг ҳам менга,  
Чиқмайман дер, ноз қилар дилдор.

Үтингларим беҳуда, зорим,  
Илинжларим — ҳаммаси бекор.  
Рашким келар, келади орим,  
Чиқмайман дер, ноз қилар дилдор.

Тошойнага термилиб, лекин,  
Үзи ўсма тортиб қўшига,  
Дугонаси ёнида, тарин  
Тушшиб кетар булоқ бошига.

Жимман, бироқ узолмам қўзим,  
Кимларгадир қиласман ҳавас.  
Келишмаган йигитман ўзим,  
Сочларим ҳам жингалак эмас...

## ХАЁЛ

Хаёл қандай яхши.  
Акангга ўхшар.  
Ўйнатар елкага кўтариб олиб.  
Бу парвоз сўнггида йиғлашинг мумкин,  
Софинган онангнинг олдида қолиб...

Хаёл қандай яхши,  
Хаёл қандай соз.  
Қўшиқлар сочади босган изъингга.  
Бир кечада бориб айтишинг мумкин,  
Изҳори дилингни суйган қизингга.

Бегубор болалик юлдуздай олис,  
Аммо хаёл учун у ҳам бир қадам:  
Тарсиллаб қовуналар ёрилган полиз,  
Сен ёлғиз ётибсан устингда бодом...

Гуллари тўкилар ўша бодомнинг,  
Капалакдай келиб юзингга қўнар.  
Хаёл ҳам туғишган укаси одамнинг —  
Қаёққа юборсанг ғинг демай жўнар.

Кўксингда хаёлинг турса йигилиб,  
Қуёшни уйғотиб келса бўлади...  
Шонрларнинг бари ерда туғилиб,  
Осмону фалакда ўлади.

## **МАДИНА**

**Мадина, Мадина нега йиғлайсан,  
Менинг аасал қизим, качон ухлайсан?  
Иситманг тушмади, тополмадим дори,  
Тинмади чақалоқ жонингнинг зори,  
Ярашмас яшамоқ иокасга ёлвориб,  
Чида, ёруғ тонгни кутамиз, қизим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз қизим...**

**Сен йиғлоқ тугилдинг, мен ёзолмадим,  
Езган шеъримни хам утказолмадим.  
Аммо ишон ахир, булбул юрагим,  
Мен уни бекорга ўтга солмадим,  
Бу ёруг дунёда менинг қолар изим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим...**

**Иккала қўлимда сенниг бешигниг,  
Кўнглимда кўзингдек шаффоф қўшириниг.  
Тунларимга наво қайтар куним бор,  
Сенга ардок сузим айтар куним бор.  
Қалбимни шудгордек ҳайдар куним бор.  
Йиглаб ёздирамасанг айланай ўзим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим.**

**Шоир шундай кўпки, уларга ер тор,  
Ҳаммаси машҳур ва ҳаммаси номдор.**

**Улугвор, уларга етмоқ кўп душвор,  
Аммо улар ойга босиб юзини**

**Турганда осмонин бағрига илк бор  
Биз олиб боргаймиз тупроқ исини,  
Гулдай димогига тутамиз, қизим,  
Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим!...**

**Биз ҳали ҳаммадан ўтамиз, қизим,  
Йиглаб ёздирмасанг айланай ўзим.**

\* \* \*

Гоҳо мен ҳам ўйга толсам,  
Варақлаб суратларимни.  
Болалигим қўмсаб, сенк  
Қўмсаб бола пайтларимни. . .

Эслаб бир-бир ҳеч ким билмас,  
Гуноҳларим, айбларимни.  
Теракларни таҳасида  
Қолиб кетган байтларимни.

Айттолмасдан бир кимсага  
Юракдаги дардларимни.  
Ялинганим сенга, дўстим  
Жон дўстим, сен айтларимни. . .

Жим қоламан эгиб бошим,  
Эгиб мағрур қадларимни.  
Кейин бир қиз ўқимасдан  
Йиртиб ташлар хатларимни...

## **ИЛК СЕВГИ**

Умриимда жуда кўп ёлғон гапирдим,  
Ваъдалар айладим чўкка тушиб тиз,  
Йўлиимга интиаор бўлди канча қиз,  
Мен эса севмасдан ўттизга кирдим...

Ортга боқишига ҳам қўрқаман энди,  
Қайрилсам, ширин жон кийналаверар.  
Туйгулар туғилди, туйгулар сўнди,  
Мен кезган боғлардан бир видо келар.

Едимида қолгани бир хира юлдуз,  
Тунлари кўзимга термулади жим.  
Кўяглим чаманига баргин тўкар куз,  
Мен сени излайман исмисиз севгим...

Илк севги — энг баланд шоҳдаги олма,  
Мен унга интилдим етмади қўлим.  
Сенга бахт тилайман, майли, ким бўлма,  
Кунларинг хайрли бўлсин, севгилим.

## СИНГЛИМГА МАКТУВ

Қачон жат ёзгандим сенга, билмайман  
Қоғия билан банд бугун тош кўнглим  
Елгиз аканг бўлиб,  
Ёнингда юрмайман...  
Кечир мени, синглим.  
Кечир мени, синглим.

У ёқда шотутлар  
Тўкилар сувга,  
Қовунлар ёрилар,  
Сен йўл қарайсан.  
Тупроқ кўчаларда,  
Муштоқ кечаларда,  
Ез — мени соғиниб сарғайган майса.

Умримни юлқиплаб,  
Иилларим ўтар,  
Юрак йиглайдио,  
Айтмас дардини.  
Мен шеърим қўлтиклаб,  
Кун бўйи излаймви,  
Адабий ходимнинг битта мардини.

Бирига қандайдир туроклар дастак,  
Бирии ўйлантирас ҳали ёшлигим:

Нега бу шеърингиз отлар ҳақида,  
Уларни ёқтиришас, менинг бошлиғим!...

Гоҳ тўлиб кетаман,  
Қандай гап ахир,  
Қўйгил мени дейман эй, ширин азоб.  
Қуёшга термулай,  
Ерга босай бағир,  
Қўшиқлар куйлашга бошқа одам топ...

Яна қайсар рудим  
Жонимни чўқир,  
Ез дейди,  
Сингилжон қўрқай нимадан?...  
Энг гўзал шеър —  
Сенинг ёрилган қўлинг,  
Ҳамма бошлиқларнинг  
Бошлиғи — Ватан!

Қайдан келди менга бу дард,  
Билмайман.  
Юрак йиглайдио,  
Айтнип арзини.  
Шеъримни қўлтиқлаб,  
Кун бўйи излайман,  
Адабий ходимнинг битта мардини.

Бирига қандайдир туроқлар дастак,  
Бирин ўйлантираш индамаслигим:  
Нега бу шеърингиз ҳижрон ҳақида,  
Қайгуни ёқтиришас, дейди бошлиғим-

Кейин яна шотут тўкилар сувга,  
Беҳилар ҳидига тўлади хонам.  
Айвонда,

**Жирмонда**

**Анжон томонда**

Кўз — мени соғиниб саргайган онам —  
Йиглайди,  
бу йил ҳам  
келмади, болам...

Қачон хат ёзгандим, сенга  
Билмадим.

Қоғия билан банд менинг тош кўнглим.  
Елғиз аканг бўлиб,  
Ёнингда юрмадим...  
Кечир, мени синглим,  
Кечир, мени синглим.

## ОНАИЗОР

Кўнглим қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам,  
Қолар бўлсам бир кун ахир тилдан ҳам,  
Агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам,  
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Сигмай қолсам шундай хенг бу жаҳона,  
Осмонларга руҳим бўлса равона,  
Жонсиз таним устида ҳам парвона,  
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Тинар бўлса қўлимдаги тор, дунё,  
Уч кун ўтмай унугтай дўст — ёр, дунё.  
Еру кўкни титратиб зор-зор, дунё,  
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Гулдай кулиб юрмасмиди, ўғлим деб,  
Кўриб кўнглим тўлмасмиди, ўғлим деб,  
Онанг ўлса бўлмасмиди, ўғлим деб,  
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

Кўнглим қолса булбулдан ҳам гулдан ҳам  
Қолар бўлсам ахир бир кун тилдан ҳам,  
Агар бир зот йигласа чин дилдан ҳам —  
Онам йиглар, онам йиглар, онам у...

## **МЕХР ҚОЛУР**

Үтар қанча йиллар түэони,  
Юлдузлар күзёши самони.  
Үтар инсон яхши-ёмони.  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Қорачугда порлоган ўша,  
Иқболига чорлаган ўша,  
Дунёни тор айлаган ўша  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Анор сенинг юзларинг сулув,  
Хумор сенинг кўзларинг сулув,  
Едда қолмас сўзларинг сулув,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур.

Оқиб кетди сувларда Тоҳир,  
Зуҳро йиглаб қолди кон бағир.  
Келганда ҳам қиёмат оҳир,  
Меҳр қолур, муҳаббат қолур...

Нима дейсан, эй, гаюр инсон?  
Фийбатларинг қилди мени қон.  
Сен ҳам бир кун ўтурсан, ипон  
Меҳр колур, муҳаббат қолур!

## ҚҰШИҚ

Олмани отдим отганга...

*Халқ құшиғы*

Ишонгандим дүстимга,  
Ишонгандай үзиміа.  
Дүстім мени аллади,  
Ханжар урди күкесімга.

Боглардаги күк япроқ  
Энди менга дүст, ўртоқ.  
Гулхан бўлиб ловуллаб,  
Багри дилім ёнар, воҳ —

Олмани отдим отганга,  
Дийдаси тош қотганга.  
Дунё бўлсин қоронғу  
Ўз дүстини сотганга...

Ишонгандим ёримга,  
Суюкли дилдоримга.  
Ерим мени аллади  
Қулоқ солмай зоримга.

Тоғлардаги қизғалдоқ  
Энди менга ёр, ҳамроҳ.  
Гулхан бўлиб чарсиллаб,  
Багри дилім ёнар, воҳ —

Олмани отдим отганга,  
Юраги тош қотганга.  
Дунё бўлсин қоронғу  
Севгисини сотганга...

**Қайнизор қаъридан узилди бир ўқ,  
Юракда доғ қолди, юракда бир чўғ,  
Чўлпонинг бор эди, Чўлпон энди йўқ.  
Нега йигламайсан, аҳли Андижон?..**

**Булбулзабонларинг  
хазон ёпдими,  
Дунё уларнинг ҳеч  
тengгин топдими,  
Муҳаммад Юсуфинг  
шоир бўлтими?!..  
Нега йигламайсан  
аҳли Андижон.**

## ИЖАРАДА

Хўжайин келади:  
Нима ёзяпсан?  
Шеър...  
Кулиб чиқиб кетар:  
Майли, ёзавер.

Хўжайиннинг хотини келар:  
Нима ёзяпсан?  
Шеър...  
Кулиб чиқиб кетар:  
Майли, ёзавер.

Хўжайиннинг ўғли келади:  
Қалай шоир, ёзаяпсанми шеър, дейди.  
Сигаретдан бер, дейди.  
Кулиб чиқиб кетар.

Хўжайиннинг қизи келади.  
Жим кириб, жим чиқиб кетади.  
Юрагимни сиқиб кетади...

Энди чексам сигаретамдан  
Атиргулни иси келади.

\* \* \*

Отам ўгитларин унутмоқдаман.  
Унутяпман секин, ўзимни оқлаб.  
Сеи кимнинг ўғлисан? Кимнинг ўғлисан?  
Ортимда имоним юрар сўроқлаб...

Мен кимни алдадим. Илк ёлғонларим,  
Соҳта табассумим кимга аталди?  
Менга шуҳрат тутган хушомадларим  
Отамнинг қабрига тифдай қадалди.

Отам ўгитларин унутмоқдаман,  
Унутяпман озғин юзи, қўлларини,  
Тер ҳиди авқиган беқасам чопон,  
Кетмени, яктаги ямоқларини.

Толеидан мамнун жуфти ҳалолим,  
Талла тишларини кўрсатиб кулар.  
Менинг кўнглим билан иши йўқ сира,  
Суратимни излаб китоб титкилар.

Мен аса отамни унутмоқдаман...

## ФАРГОНАЖОН

Қуриб кетди кийик кезган яйловларинг,  
Келин бўлиб ой тунаган ўтвларинг,  
Ғирот каби кўкка сапчир бедовларинг,  
Шунча гаминг етмасмиди, Фарғонажон?

Томингда товланган қизғалдогинг ҳани,  
Олмалари тарсиллаган боғинг ҳани,  
Бобуршоҳни лол айлаган чогинг ҳани,  
Шунча гаминг етмасмиди, Фарғонажон?

Бисотиягда синиқ чойнак, синиқ кўзанг,  
Саҳардан шомгача меҳнатга гарҳ эсанг.  
Бир елкангда боланг, бир елкангда ғўзанг.  
Шунча гаминг етмасмиди, Фарғонажон?

Ич-ичимдан кўзимга ёш келар қалқиб,  
Балиқдай гунг, қўйдек юваш ўзбек халқи!  
Сен ҳам бундай комат кериб юрсанг балки,  
Үйингга ўт кетмасмиди, Фарғонажон?..

Қуриб кетди кийик кезган сайҳонларинг,  
Улоқчи от чопса ҳорганс майдонларинг,  
Қувгин бўлди ҳовлингдан ҳамрайхонларинг.  
Шунча гаминг етмасмиди, Фарғонажон?..

Тинса тинди кора кумрон, кора ўчок,  
Ўзинг билмай ўз танингга урдинг пичоқ.  
Ўйинг ёниб турса ёзган шеъримга бок!..  
Шунча гаминг етмасмиди, Фарғонажон?

## ЭЛИМ

Кўзинг очган кундан кетмонни таниб,  
Умринг уватларда ўтди куйманиб,  
Ер тинса тиндики тегранг айланиб,  
Сенинг савил жонинг тинмади, элим.

Экканларинг унди, ўрганинг унди,  
Энгатиб ерларга терганинг унди,  
Ҳамиша қўшқуллаб берганинг унди,  
Ҳамиша топганинг унмади, элим.

Хирмоннинг осмонга етди юксалиб,  
Паҳтангга юлдузлар олди юз чайиб,  
Ўзинг зўрга турсанг белинг буқчайиб,  
Елкангга не зотлар минмади, элум.

Пешонанг ёт экан ҳаловатларга,  
Тер тўкиб ёқмадинг валломатларга,  
Меҳнат қилиб қолдивнг маломатларга,  
Бошингда не калтак синмади, элим.

Пайкалдан чиқмасанг ҳам ёзу қишин,  
Елкангга сайдилар номардлар нишин,  
Оlamга жар бўлди «ўзбекнинг иши»,  
Шу бўлди сенга дўст миннати, элим.

Шохингдаги сўнгги олмангни қоқдинг.  
Келиб кетувчи ҳар иоказга ёқдинг,  
Нои ёпиб бир дунё меҳмонни боқдинг,  
Ўзингга увог ҳам тегмади, элим.

Дардинг узинг билан бўлди ҳамиша  
Пахтант яшнаб боянг сўлди ҳамиша,  
Қўйнинг пуч ёнгоқقا тўлди ҳамиша,  
Сенинг ярим кўнглинг тўлмади, элим...

Не-не ўғлонларинг Афғонды ўлди,  
Афғондан қайтгани Қўқонда ўлди,  
Ултирган ўрнида — майдонда ўлди,  
Фарёдингни ҳеч ким билмади, элим.

Үйинг тўла пилла, сенда чопон йўқ,  
Еринг тўла тилла, рангингда қон йўқ,  
Порахур ҳам бўлдинг, қўйнинга дов йўқ,  
Муҳаммаднинг мўмин уммати, элим!

## **БИР КУНИ**

Бир куви,  
Бир алсон  
Замон келади,  
Замин узра  
Омон-омон бўлади.

Ўн йилми,  
Юз йилми ўтиб орадан,  
Урушлар,  
Низолар кетиб орадан,  
Тўплар  
Адиrlарда буғдой ўради,  
Танклар  
Далаларда пакта теради  
Миллатлар,  
Элатлар,  
Оқ тан, қора тан  
Хаммаси  
Ҳазрати инсон бўлади.

Оlam гулистон бўлади  
Бир куни...

— Шоирларчи, бобо,  
Шоирлар нима бўлади?  
— Шоирларниг шодликдан  
Юраклари ёрилиб ўлади!

## **КИНОГА КИРМАЙМАН**

**Билет топилмайди •Утган кунлар•га  
Қизлар қайтиб келар күзёш қылишиб.  
Хайр уйқу дейман менда йўқ ором,  
Муқовасиз китобимга мук тушиб.**

**Ногоҳ музикалар тинган ётоқда  
Китобим кирмаган хона қолмаган.**

**Ҳеч ким уни мендек ўқимаган лекини.  
Ҳеч ким уни мендек ўқий олмаган.  
Қўзимни юмаман кулгичлари яйраб  
Кумуш боласига рўмолча тўқир.  
Кейин ичкаридан минг йил наридан  
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.**

**Шундай оқшом ботар, шундай тонг отар,  
Китобим ўқийман сатри муқаддас.  
Менга ёқмас экрандаги Отабек,  
У бошқа. У бошқа мен билган эмас!..**

**Билет топилмайди •Утган кунлар•га,  
Мен эса кирмайман бекорга ҳам ҳатто.  
Майли қарсак чалай истеъодд учун  
Лекин санъат-санъат, ҳаёт-ҳаётда.**

Кўзимни юмаман, кулгичлари яйраб  
Кумуш боласига рўмолча тўқир.  
Кейин ичкаридан минг йил наридан  
Зайнабнинг нигоҳи жонимни чўқир.

Саргайтган сажифага қўйиб бошини  
Кумуш кулиб ётар тирикдек худди  
Тур энди опажон, тур энди опа  
Отабегинг сени унитди?..

Билет топилмайди «Утган кунлар»га,  
Мен кирмайман. Кирсан кўнглим тўлмайди.  
Китобим ўқийман,  
Ўзим тўқийман,  
Кинога ҳеч нарса қўшиб бўлмайди.

## МАРУХ ДОВОНИ

Черкас чўпони Муродин Йўчқоров 1962 йил кузида Фарбий Кавказ тизмаларидаги Марух довони музликлари орасидан совет жангчилари жасадини топиб олди.

Муз устида, тошлар орасида Ѹстит қолган бир извод жангчилари орасида 17 миллат вакили боради.

Улардан бирининг фамилияси Муҳиддинов эканлиги аниқлавди.

Жангчи ўлди,  
Кўкрагида қўргошиб,  
Кавказ тоғларидаги  
Жасади қолди.  
Йигирма йилдан сўнг  
Суякларини  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

Ўзбек эди  
Қоракўз эди  
Оти —  
Саттормиди,  
Содиқмиди,  
Сотволди...

Ҳеч ким билмас,  
Билганин — уни тоғдам  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...

**jalki ёлғиз**  
Болангиз эди сизнинг,  
Отангиз ё  
Оғангиз эди сизнинг.  
Юз йил тинмас  
Нолангиз эди сизнинг,  
Ери эди  
Ё бир умидвор қизнинг, дунёдаги зиг гўзал,  
Вафодор қизнинг,  
Ўтга сакраб, чиқди  
Ичидан музнинг...  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди.

**Қирқ йилки ким**  
Тиёлмаса кўзёшин,  
Йиглаб сим-сим  
Тиёлмаса кўзёшин,  
Кўролмаса кўкка боқиб қуёшин,  
Тоққа чиқсин.  
Топларга қўйиб бошин,  
Эгилмаган бошларга қўйиб бошин.  
Етган экан кўкрагида  
Қўргошин...  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди.

**Сиз ҳам, Ватан,**  
Ватан деб кўпирганлар,  
Содик ўғлинг  
Менман деб тапирганлар.  
Минбардан  
Ваъз айтиб,  
Кўкрак керганлар,

**Туморлармас  
Асраган жонингизни,  
Кўриб қўйинг,  
Бу кун имонингизни  
Черкас чўпон  
Муз ичидан  
Топволди...**

## ҲАҚИҚАТ

Юрагинг сиқилиб бориб шаҳардан,  
Секин гапга солсанг мўмин дехқонни.  
Ҳодирийни эслар ёзувлардан,  
Артислардан эса — Шукур Бурҳонни...

Сенинг тилла гардиш кўзойнагинг бор,  
Лекин беркитолмас у ҳам гианғни.  
Нафис жилд китоблар йигмассан бекор,  
Бекор олмагансан пианинонгни.

Мана кўриб қўйинг — Одалиска бу,  
Рангларга эътибор беринг, раңгларга.  
Беҳзод чизганлари амас сизга бу.  
Санъатда етмоқ йўл бўлсун бизга бу  
Нозикфаҳм рум — фараангларга.

Мана бу Отелло. Ўша ҳабаш шоҳ.  
Саҳна — Овруподир (яна ўша ёқ)  
Дунёда ҳеч кимда йўқ бундай овоз.  
Дунёда ҳеч кимда йўқдир бу нигоҳ!..

Дейсан: бу китобим ичи тўла дур,  
Дейсан: бу китобим битта нусхадир,  
Тасвир ўзи ҳаёт, жумла қисқадир,  
Лекин барибири...

**Лекин барнибир,  
Юрагинг сиқилиб бориб шаҳардан,  
Секин гапга солсанг отанг — дехёнини,  
Қаҳдорни эслайди ёзувчилардан,  
Артистлардан эса Ҳалимажонни.**

## **НАСРУЛЛО**

Карвон-карвон тиялога тўлди кўчинг,  
Шаҳри Йўқонда ҳеч қолмади ўчинг,  
Келган еринингга бор энди, эй золим,  
Амир, Нодирага етдими кучинг?..

Кўкда юлдуздан кўп эди лашкаринг,  
Фолиб бўлдинг аммо агик бошлиринг,  
Аёл кўкрагига ботди ханжаринг.  
Амир, Нодирага етдими кучинг?..

Сендай конхўри кўп кўрган Фарғона,  
Шоҳ қиз кокилларин ўрган Фарғона,  
Мард бўлсанг сен жавоб бергил марданга:  
Амир, Нодирага етдими кучинг?..

Золим бўлиб қолди зотинг Насрулло,  
Лаънатга кўмилди отинг Насрулло,  
Гўрдан туриб кетди Тўмарис момо,  
Амир, Нодирага етдими кучинг?..

Зўр бўлсанг зўрларнинг юртин ол эди,  
Егий қўргонингга отлар сол эди,  
У шоҳ замас эди, у Аёл эди,  
Амир, Нодирага етдими кучинг?!

## БОБУР НИДОСИ

Алвидо, ёв олган ул  
Анжонга энди алвидо.  
Шод отам қурган қадим  
Қўргонга энди алвидо...

Биз кетармиз айрилиб,  
Бокалмайин бир қайрилиб,  
Бизни эслар ҳар кўнгил,  
Ҳар жонга энди алвидо.

Бедимоят, бексиз эл,  
Ўз юртида ҳам эрксиз эл,  
Кўксиди кўз ёшлари  
Маржонга энди алвидо.

Боғимиз бўлди хазон,  
Пойига тўлди хазон.  
Боғшамолда бағри кон  
Боғбонга энди алвидо...

Бизни эл маглуб демас,  
Жангоро кўзёп эмас,  
Қонимиз томган ўшал  
Майдонга энди алвидо!

Алвидо, Бобур сўзим,  
Анжонга энди алвидо.  
Шод отамдан қолган ул  
Қўргонга энди алвидо.

## ҚИЁМАТ

Қиёматда қорая қуёш,  
Осмон қора дудга тұлади.  
Мұноғиқлар мұшукдай ювош,  
Фоҳишалар отин бұлади.

Қиёматда құрбақа булбұл,  
Қамішзорлар айланар тоққа.  
Құнғизчалар бұлади дүлдүл,  
Үғрилар қоровул чорбоққа...

Қиёматда құллар қорни ғүк,  
Хожалари бұлар нонга зор.  
Шоир билән шоқнинг иши йүк,  
Зиндоңбонлар қүшиқлар ёзар.

Қиёматда бұлмайды ҳийла,  
Әмгир-шароб, газаги — илон.  
Хечким құсмас дүстлари ила  
Бир қадақ май ичиб — бир жом қон.

Тұрт фаслнинг бұлмайды қиши,  
Қиёматда афсона бўлмас:  
Юсуф инин кудуққа пишиб,  
Оғалари тортиб олади...

Қиёматда ҳамма чўк тушиб,  
Муҳаммадни эслаб қолади!

## **КИНОЯ**

**Ўзбекистон ҳамон жаннат гўшадир.  
Деҳқонин чопони ўша-ўшадир...**

**Қайга ўтоз тикса чўпони ҳамон  
Айғирнинг думидан арқон эшадир.**

**Ҳамон аёлнинг кифтида дала,  
Этагида бола қўша-қўшадир.**

**Қизларин қўлида хиномас — кетмон,  
Улкан хазинага ҳисса қўшадир.**

**Аскар ўғлонларин тинч кунларда ҳам  
Озғин жуссасини ўқлар тешадир...**

**Ўзбекистон ҳамон жаннат маскандир.  
Ҳамон юз боласин боқар бир тандир!**

## ИБРОҲИМ МАРСИЯСИ

*Афғонистонда ҳалок бўлган  
аскар йигит Иброҳим Аҳмедов  
хотирасиза*

Онанг ўлсин, Иброҳим,  
Маккадан ҳам йирогим,  
Ўчиб қолган чирогим,  
Тутаб қайда ётарсан?..

Афғон бўлди Ватанинг,  
Армон бўлди Ватанинг,  
Илма-тепик баданинг,  
Инграб қайда ётарсан?

Гулдай сўлиб юзгинанг,  
Қумга тўлиб кўзгинанг  
Уз ярангни ўзгинанг,  
Силаб қайда ётарсан?

Айбинг йигит ёшингми,  
Қорагина қошингми.  
Совуқ тошга бошингни  
Тираб қайда ётарсан?..

Ким ўлдирди, қай куни  
Сендай ювош ҳумрини,  
Қолғанларнинг умрини  
Тилаб қайда ётарсан?..

Онанг ўлсин Иброҳим,  
Маккадан ҳам йирогим,  
Ўчиб қолган чирогим,  
Тутаб қайда ётарсан?..

## **БУХОРО**

*(достондан)*

Қандай гўзал эдинг Бухоро,  
Осмонўпар гумбазлар аро.  
Энди бағрингү кезиб оввора,  
Тополмадим бир сог минора...

Сен чўкибсан, ким ўсди, азиҳ  
Томириңни ким кесди азиҳ?  
Қайдан топай энди қабрингиз,  
Буюк боболарим қайдасиз!..

Сиз қайдасиз, улуг меъморлар,  
Бухорои шариф bemорлар.  
Бугун унинг куйган кўксига  
Қулар мингга кирган деворлар.

Қулар не-не муҳаддас жойлар,  
Жаннатларда топилмас жойлар.  
Қулар бир пайт кирса гадойлар  
Қучоқ очган карвоисаройлар...

Бухоро лол, Бухоро ҳайрон,  
Арки вайрон, меҳроби вайрој.  
Лаби ҳовуз кирғоти вайрон,  
Ибы сино арвоҳи сарсон.

Бу кандайин кайғудир, ё раб,  
Қайга боқма боруоқда нураб.  
Шаҳар ўлса дунёдек қадим,  
Кўмгайлар не кафанга ўраб?..

Азал азиз, эй шаҳри шариф,  
Дарбозанг ким кетди ўмарниб.  
Тилла тожинг айтмайин, аммо  
Минорларсиз экансан гариб!

## **ҲАЗИЛ**

**Хотин қайдан билсин эрнинг дардини,  
Унинг юмушлари шундай зиёда.  
Дўстларим мен сиага айтсам, дунёда  
Топиб бўлмас хотин зотин мардини...**

**Менга май узатинг,  
Менга шеър керак  
Ва танбур чартсангиз, таралса наво.  
Хотин деганлари шундай бедаво,  
Унга шоир эмас — унга эр керак!**

## **ТИЛЛО БАЛИҚ**

**халқ йўлидз**

**Водариғо, водариғ,  
Иўлларим тўсди ариқ.  
Тушди қўлдан сирғалиб,  
Ёшлигим — тилло балиқ.**

**Энди мен бир уйга бош,  
Бир уй болам сўрар тариқ.  
Кетди ҳеч қайтмас бўлиб,  
Бевошлигим — тилло балиқ.**

**Энди сен ҳам ўзга бир  
Остонада рангинг сариқ.  
Сенга мену менга сенинг  
Сирдошлигинг — гилло балиқ...**

**Водариғо, водариғ,  
Иўл узоқ, отим ориқ.  
Энди бу йўлда менга  
Йўлдошлигинг — тилло балиқ!**

## ДАРЁ МАРСИЯСИ

*Баҳодир Исога*

Дарё қўнгун эдим болам исмини,  
У дарёга чўкиб кетди бир куни...  
Аждар бўлиб сувлар ютди жисмини,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар!

Билсам кўймас эдим асло елкамдан,  
Товоҷчаси энди ерга текканда,  
Сойнинг тоши бешик бўлди эркамга,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар!

Сигмади у шундай кенг бир тупроққа.  
Тўлкин бўлиб руҳи урар қиргоққа.  
Келиб турай энди сизни кўрмоққа —  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Исми билан экан инсон қисмати,  
Э вое, буни аввал нечун билмадим,  
Ўз болам-ку ўз қўйинимда ўсмади,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар.

Сиз кунда бир жигаргўшам кўрасиз,  
Энди фақат сиз кунига ярасиз,  
Нодон ота узрин ҳам сиз сўрасиз,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар!..

Дарё куйган эдим болам исмини,  
У дарёга чўкиб кетди бир куни,  
Аждар бўлиб сувлор ютди жисмини,  
Энди менга ўғил бўлинг, балиқлар!

## **АРМОН**

Егаётган ёмғирми-корми?  
Қор остида қолган баҳорми?  
Сенсиз дунё шунчалар торми,  
Яна бўзлар бўлди юрагим.

Шамдай ёниб, шамдай ўчдимми,  
Сарвинаозим, Сендан кечдимми.  
Энди сенга мен ҳам ҳеч кимми?  
Яна бўзлар бўлди юрагим.

Егаётган ёмғирми-қорми,  
Бир жонимга шунча озорми,  
Бу дунёда дўстим ҳам борми,  
Армонларга тўлди юрагим...

Бу ерларда нетарман энди,  
Саҳроларга кетарман энди.  
Сени куйлаб ўтарман энди,  
Достонларга тўлди юрагим.

\* \* \*

**Бир куни**  
**Ёнингга келаман,**  
**Дейман: мен сен куттан боламан.**  
**Тинглайсан очилиб сен чаман,**  
**Мен сени севаман, севаман!..**

**Кел, дейсан. Кув совук, ўтиргил.**  
**Кафтимда лайлакқор — атиргул.**  
**Хонангда югуриб-еламан,**  
**Мен сени севаман, севаман.**

**Ким у жим кулади, кулади**  
**Билдирмай зрмаклар қилади.**  
**Майли мен галати, телбаман**  
**Мен сени севаман, севаман.**

**Кел, дейсан. О, мунча кечикдинг,**  
**Йўқ энди у гунча, кечикдинг.**  
**Боқ йигит, атрофинг қаҳратон..**  
**Мен сени севаман, севаман.**

**Сен турган жой энди бий дала,**  
**Қўлингда ҳора кўз бир бола.**  
**Мен энди қўшиқмас — ноламан,**  
**Мен сени севаман, севаман.**

**Айт, мендан не истар бу одам,  
Тикилар, синармия иродам?..  
Тикилар бир ёмон, бир ёмон,  
Мен сени севаман, севаман!..**

**Мени ён этмиш бор мардум-ла,  
Лабимдан учмаган бир жумла.  
Энди кеч, энди не қиласман,  
Мен сени севаман, севаман!..**

\* \* \*

Севгим менинг, мен билмадим, менинг севгим,  
Кўзинг шаҳломиди сенинг, хуммормиди,  
Эртакдаги Лайли сендаӣ дилдормиди,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим...

Гоҳ гул бўлиб яшнади дил, гоҳ сўлди дил,  
Гоҳ йиглатиб, гоҳо ўзи қон бўлди дил,  
Томогимда чирқираган жон бўлди дил.  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сени фақат олислардан аллаладим,,  
Эркаласам хаёлимда эркаладим,  
Сочларнингни тушларимда сийпаладим,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Сен қуш бўлиб учдинг-кетдинг тутолмадим,  
Оҳу бўлиб қочдинг қувиб етолмадим,  
Бир бор кўриб бир ширин сўз айтольмадим,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим.

Соч оқарди юракдаги шу бир чўғ деб,  
Армондаги, тилакдаги шу бир чўғ деб,  
Йигит умрим зорланади севги йўқ деб,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим...

Ака ажал осто намда турад бўйлаб,  
Фаришталар чорлар мени ўлан сўйлаб,  
Жаннатларда зерикарман сени ўйлаб,  
Ай, юзингни бир кўрмадим, менинг севгим!

## БИР КЕЧА

Бир кечадан уйғониб кетсам,  
Итглаб ўтирибди юрагим юм-юм.  
Чүчіб турдим: сенга нима бўлди эркам,  
Нимага йиглайсан,  
Мен нима қилдим?..

Ундаи десам бўлмас,  
Бундай десам кўнмас,  
Чекдим. Чикниб сокин ҳовлини кездим.  
Ҳамма юлдуз сўнди. Бир юлдуз сўнмас —  
Кўзимга мўлтираб турар илк севгим.

Юлдуздан ҳам олис о, сен буюк гам  
Бугун ӯзинг йўқсан фақат ёнимда.  
Ҳижрон куйин чалиб қон ўрнида ҳам  
Армон айланади жони-танимда.

Ўйлайман, ўйлайман, ўйларим уауи,  
Қўлим қисқа севгим, бўйларим узув.  
Энди сен мен учун энг узун эртак,  
Энди мени ёмон қийнар бу юрак!..

Чекаман. Тутувга тўлади жона  
Илк севгим мўралар тўрт бурчагингдан.  
Мен далли, юрагим мендан девона  
Етмайман деб йиглар, партўшагингда.

## **МАКТУБ**

**Севгилим,**  
**Севгилим,**  
**Огрийди дилим.**  
**Жоним огрийверар сизни ўйласам.**  
**Гулдай юзингизни силар энди ким,**  
**Мени эслармисиз-йўқми ўша дам...**

**Булутлар кўк кезар кунда пиёда.**  
**Уфқа офтоб ботар қизил гулхандай.**  
**Армоним экансиз ёруғ дунёда.**  
**Сизни ўйламасдан яшарман қандай.**

**Кўнглим айвонида куз ҳуштак чалар,**  
**Кўзимдан ёш бўлиб ёғади япроқ.**  
**Дўстларим — такаббур шоирваччалар,**  
**Ўзларин севишар ёридан кўпроқ.**

**Куиларнинг кафтида севги ханжари,**  
**Бағримда бегуноҳ бир гул сўлади.**  
**Тойчоққа айланниб гоҳ кечалари.**  
**Тупроқда аганаб ётгим келади!...**

**Севгилим,**  
**Севгилим,**  
**Огрийди дилим.**  
**Жоним ёмон оғрир сизни ўйласам.**

**Сунбул сочингизни силар энди ким,  
Мени эслайсиами-йўқми ўшал дам.**

**Билмайман.**

**Билишни истамайман ҳам.**

**Билганим — менга баҳт масиб этмади.**

**Ииллар ўтаверди, кўзим ўнггидан  
Сизнинг ойдек руҳсорингиз кетмади.**

**Дунё омон бўлсин.**

**Сиз бўлинг омон.**

**Омадли бўлинг сиз.**

**Баҳтли бўлинг сиз.**

**Лекин**

**Билиб қўйинг,**

**Билиб қўйинг, ҳамон,**

**Сизни унуполмас Муҳаммадингиз!**

## **ШИРИН АЗОБИМ-СЕВГИ**

### *туркум*

Эй гул,  
Сени унутдим,  
Узиб кетди бошқалар.  
Мана энди илк севгим,  
Юрагымга тош қалар...

О, бу тошлар бир оғир,  
Ҳар қирраси қизил чүе.  
Оғрийди, жоним оғрир,  
Бу оғриққа даво йўқ...

Ғунча эдинг,  
Гул эдинг,  
Очилмасдан сўлдинг-ку.  
Бахтим эдинг бор умрим  
Етмас азоб бўлдинг-ку!

Унутмоқ ҳам шунчами,  
Дунё тўлди бўзимга.  
Ёниб турган кунчалик  
Ботиб қолдинг кўзимга...

Эй гул, сендан кечдиму  
Унутолмай бағрим қон.  
Хаёлингдан ўчдиму  
Хаёлимда сен ҳамон.

Узиб кетди бошқалар,  
Юлиб кетди бошқалар.  
Мана энди бир армон  
Юрагимга тош қалар.

О, бу армон кўп оғир,  
Ҳар қирраси қизил чўғ.  
Оғрийди, жоним оғрир,  
Бу оғриққа даво йўқ...

||

Бир кун кўриб танидим,  
Тош йўлдаги изингни.  
Пешвоз чиққан ман эдим,  
Кетдинг буриб юзингни.

Салом севгим — азобим!  
Боқ, бевафо ёрингга.  
Шукр қилдим ортингдан  
Бу дунёдс борингга.

Кетдинг хаёл сингари  
Қадамингдан чақнаб чўғ.  
Бахтли аёл сингари,  
Бебаҳт билан ишинг йўқ.

Яна тўсди йўлимни,  
Яна тўсди илк севгим.  
Музлаб қолган қўлимни  
Юрагимга босди жим.

Бўлди юрак, йиглама,  
Йиглагандан на фойда?  
Ҳижрон йўли музлама,  
Тоймоқ осон бу жойда.

Тойдинг — кетдинг,  
Кетганини,  
Соринмоқ йўқ севгида.  
Биз бой бердик имконни,  
Қоқинмоқ йўқ, севгида.

Қара, қизил гулхандай  
Офтоб ботар уфққа.  
Яна бир кун қийналмай  
Айланмоқда қўшиққа.

Ўтмишга айланмоқда,  
Айланмоқда ўтмишга...  
Дил қушга айланмоқда —  
Дил яна соков қушга!

• • •

**Ситамларинг кўлдир менга,  
Ситамларинг эй, гулгун.  
Кел, юзингдан ўптири менга,  
Ўнг юзингдан ўптиргин...**

**Борсам кел, деб ердан турма,  
Заҳринг сочиб ўлтиргин.  
Гапирмагин,  
Гапиртирма.  
Сўнг... юзингдан ўптиргин.**

**Сўймасанг суйкалиб нетай,  
Бу дуниёдан нолиб кетай?  
Майли ўтай,  
Майли кетай.  
Кел... кўзингдан ўптиргин!**

## КЕЧИКИШ

— Кўирак тўла орзую ташвим  
Пайкалда ҳам ҳосилимиз мўл.  
Яшаяпмиз бизлар ёзу қиши  
Юмушлардан бўшамайди қўл.

Ношукурман нолисам, бироқ,  
Ҳеч кимсадан камим йўқ ахир.  
Фақат сени согиниб гоҳ-гоҳ  
Йиглаб мени қон килар кампир.

Тушунолмай қолдым қандайдир  
Тошмеҳроқ чиқдинг ўзинг ҳам.  
Бизни эслаб ҳар замонда бир  
Хат ёзиб ҳам қўймайсан бўтам.

Шаҳар ёқдан ким келса, бари  
Тўтидек бир сўзни қайтарар:  
Кўришмадик, ўглингиз билан  
Келиб қолар, дейди зангарлар.

Яхши бўлди келганинг аммо,  
Зап вақтида келдинг бу сафар,  
Маҳаллада ялла авжида,  
Айни тўйлар бошланган маҳал.

Мана кеча, оти нимайди  
Салтанатнинг кенжа қизини.  
Эсим курсия, ёдда турмайди,  
Бор эдию сочи узуни  
Биз куёвга узатдик шуни...

Тўйи тўкин ўтдию лекин  
Куёвга кизгина тушкур,  
Кўнгилсиэроқ эканми, қайдам,  
Кўп йиглади, деб келди кампио.

Ким билади балки шундайдир,  
Янглишгандир балки кампирим.  
Бари келин йиглайди, ахир.  
Йигламасдан зрга теккан ким?

Бу гапларни қўя турай кел  
Бўталогим, ўзингдан гапир.  
Зилзилалар унут бўлиб, эл,  
Шаҳар энди тинчид қолгандир?

...Меҳр тўла нигоҳи билан,  
Бобом мендан жим кутар жавоб.  
Билса экан, тушунса экан  
Невараси шу куйда шу тоб!

Билмайди, эҳ бобом билмайди  
Мен, мен ахир севардим уни.  
Салтанатнинг оти нимайди,  
Ўша сочи узун қизини...

.

## **РАЙҲОН**

**Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг,  
Ойқабоқ гўзалим, жонингдан сенинг.  
Кулиб кўкларингдан тушмайсан, қара.  
Ой ўтса уялар ёнивгдан сенинг.**

**Етти иқлим аро етсаки мзинг,  
Тупроққа тўкилгай тутдай хуш исинг.  
Гулга тегса гулҳан пайдо қилладур,  
Сувга тегса сувни ёндирап юзинг.**

**Ҳурлардан ҳур ўзинг, хуршиди тобон,  
Ўзинг Райҳонсан-у вужудинг райҳон.  
Бу ёруг дунёда сендан сулув йўқ,  
Мендан бечора йўқ, мендан нотавон.**

**Сен арши аълода жаннатий чашма,  
Мен ерда ёнаман томчингга ташна.  
Кўкларга қўлини тутган қулингман,  
Зилолим, уволим тутгай адашма...**

**Райҳон, айланай райҳонингдан сенинг  
Ой ўтса уялар ёнивгдан сенинг.  
Кулиб кўкларингдан тушмайсан сен-да,  
Менга-да жой йўқ осмонингдан сенинг.**

## УРУШ ЙИЛЛАРИНИНГ ЖОНОН ҚИЗЛАРИ

Қаҳрамон йигитлар урушга кетди,  
Чўғ бўлиб ёндириб қолди излари  
Оловлар ичиди бўйингиз етди  
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Муҳаббат, муҳаббат илоҳий маъно.  
Сизга ёр васлини кўрмади раво  
Хатларга термулиб умрингиз ўтди  
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қадоққўл юртимнинг Зулайҳолари,  
Дилбарлари, Дилдор, Дилраболари.  
Йигидан қизарган шаҳло кўзлари —  
Уруш йилларининг жонон қизлари.

Қорлаб кўчиб юриб кўсаклар терган,  
Сепини тўн қилиб фронтга берган.  
Йигит курган ҳамма балони кўрган  
Уруш йилларининг жонон қизлари...

Замин минг айланса, айланса Замон  
Яхши яхши деган, ёмонни ёмои  
Муҳаммад Юсуф энг тансиқ сўзлари —  
Уруш йилларининг жонон қизлари.

\* \* \*

Хўрсинасан билдиrmай,  
Ўксинасан, йиглайсан.  
Юлдуз тўла бу оқшом,  
Сен сўрида ухлайсан.

Юлдуз тўла бу оқшом,  
Онанг хурсанд ўйлайди,  
Қайсар қизим, энди чин  
Кўникканга ўхшайди...

Шовулламанг, боғлар, ҳей  
Бунда бир қиз ухлайди,  
Ухлайди ўзи жим,  
Кўнглига қил сиғмайди.

Шоҳ силкинар кўксига  
Япроқ тўкар, билмайди  
Бир ғам ўртар барини,  
Йигламайди, кулмайди.

Бу оғриқ на дўстлик, на  
Муҳаббатга ўхшайди..  
Қиз қўйнида бир сурат —  
Муҳаммадга ўхшайди.

## **НИМА ДЕВДИМ?**

Севгим менинг,  
Кечикиб келган севгим,  
Мана энди бир умр ўртсанамиз.  
Саҳаргача ухламай ўйланамиз,  
Қийналамиз...  
Мен сенга нима девдим?

Дўсту — ганим бир зрмак тополмайди,  
Бир кун бизни галирмай яшолмайди.  
Кечикиб келган севгим,  
Мен сенга нима девдим,  
Олти қитъя энди бизни пойлади...

Севгимсану, ёнингга боролмайман,  
Кўзларингга соғиниб қаролмайман.  
Кечикиб келган севгим,  
Кечикиб келган севгим,  
Ҳеч кимга бу кўнглимпинг ёролмайман.

Сени унсиз эркалайди нигоҳим,  
Сочинг силаб чарчамайди нигоҳим,  
Кечикиб келган севгим,  
Кечикиб келган севгим,  
Бу дунёда менинг бор-йўқ гуноҳим!..

Юрак йиглар, айтишга ийманамиз,  
Биз энди бир умр қийналамиз,  
Кечалари ухламай уйланамиз.  
Кечикиб келган севгим,  
Бу дунёда менинг бор-йўқ гунохим!..

Юрак йиглар, айтишга ийманамиз,  
Биз энди бир умр қийналамиз,  
Кечалари ухламай ўйланамиз.  
Кечикиб келган севгим,  
Мен сенга нима девдим?..

\* \* \*

Тойчоқ бўлиб қолсам эдим, тойчоқ бўлиб,  
Қорасоч бир қиз қуулунга ўртоқ бўлиб,  
Қувалашиб юрмасмидим дала-даштда,  
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб?..

У ҳам мени севар эди менга ўхшаб,  
Кутар эди гўшангада ўтлар тўшаб,  
От бўлса ҳам тушунарди мени ўша,  
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб?..

Мўйли эди аргамчида бойлансак ҳам,  
Тупроқларга вғанишиб қийналсак ҳам,  
Биз бир умр бир қозиқда айлансак ҳам,  
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб!

Отдай ҳамдам бўлар эди жонимга у,  
Қиздай малҳам бўлар эди жонимга у,  
Бир кишинасам келар эди ёнимга у,  
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб?..

Хаёлимниг даштларида уюр-уюр,  
Қулунчалар чопиб юрар мени суюр...  
Яна қандай азобиниг бор, жоним, буюр,  
Бу дунёда мима кўрдим сени суюб!..

Тойчоқ бўлиб қолсам эди, тойчоқ бўлиб,  
Қорасоч бир қиз қуулунга ўртоқ бўлиб,  
Қувалашиб юрмасмидим дала-даштда,  
Бу дунёда нима кўрдим сени севиб.

• • •

**Сулувлардан сулув бир қиз сочим силар,  
Менинг эса кўзларимдан ёш томчилар,  
Севаман деб алдар мени ёлгончилар,  
Юрагимни йўлбарсларга едираман...**

**Сенга нима гуноҳ килдим, эй жодугар,  
Сенга жоним тутсам, менга тутдинг заҳар,  
Излаб-излаб топганим сен бўлсанг агар,  
Юрагимни йўлбарсларга едираман...**

**Қари дунё, бу қизларинг мунча гўзал,  
Қараб турсам тилла кокил кунча гўзал,  
Канча гўзал бўлса алдар шунча гўзал,  
Юрагимни йўлбарсларга едираман...**

**Ҳозир кўзим юмаману ерга ётиб,  
Кўкрагимдан суғураман қон йиглатиб,  
Майда-майда қилсин уни қасирлатиб,  
Юрагимни йўлбарсларга едираман...**

**Кимни суйса суйганидан куйган кўнглим,  
Кўз ўнгимда бўлақолсин тилим-тилим,  
Ҳаром бўлсин муҳаббатсиз кўрган куним,  
Юрагимни йўлбарсларга едираман!**

## **БИР ҚИЗ ЙИҒЛАР**

Бир қиз йиғлар булоқ бошида,  
Маъюс мажиунтоллар қошида.  
Кўнгил оҳи кўзин ёшида:  
Бевафо кўп экан дунёда...

Нигоҳида офтоблари бор,  
Нолишларин жавоблари бор.  
Сўнган севги азоблари бор,  
Бевафо кўп экан дунёда...

Тононига тушган кокиллар,  
Қизгинага қўшилиб йиғлар,  
Бир сўз дилга санчади тиғлар —  
Бевафо кўп экан дунёда...

Дилдан кўчиб кетса ҳаёлар,  
Ёмонга йўқ экан жазолар,  
Ёлгон дунё экан дунёлар,  
Бевафо кўп экан дунёда...

Эрмак экан энди Лайлолар,  
Мажнун Ғариф кезган саҳролар,  
Эртак экан Тоҳир-Зуҳролар,  
Бевафо кўп экан дунёда.

Бир қиз йиглар булоқ бошида,  
Маъюс мажнунтоллар қошида.  
Кўнгил зори кузин ёшида:  
Бевафо кўп экан дунёда.

Қўй йиглама, менинг жон синглим,  
Мен ҳам сендек бағри қон синглим,  
Менга ҳам йўқ меҳрибон синглим,  
Бевафо кўп экан дунёда!  
Муҳаббат йўқ экан дунёда!

## СЕВГИ БУ...

Севмоқ бу,  
Кечирмоқ дегани асли,  
Токи бу дунёда қуёш бор, гул бор.  
Ялпизлар гуллаган шу баҳор фасли,  
Содиқ ҳамдам бўлгин сен менга, дилбар.

Ғийбатлар тингладим, айланди бошим,  
Ҳўл тупроқ қуидирди товонларимни  
Ва мана мен унга кўнглимдан юлқиб  
Кўмдим беор дўстлик гумонларимни.

Ўйлар суравердим кечалар танҳо,  
Гоҳо жиққа ёшга тўлганида кўзим.  
Ва сени севмоқдан олдми бир куни  
Дилдан севиб қолдим ўзимни ўзим...

Севмоқ бу ўзингни авгламоқ асли  
Токи замин аро қуёш бор, гул бор.  
Райҳонга кўмилган шу баҳор фасли,  
Садоқатли ёр бўл сен менга, дилбар.

Севгилим, мен сени севаман, тамом,  
Ғамгин кўзинг, ҳадик тўла кўзингни,  
Севмоқ, бу кунда бир кўрмоқ баҳтидир  
Озгин қўлларингни, сепкил юзингни...

\* \* \*

Қалбнинг қизил гулхани сўнди,  
Култепада қолмади бир чўр.  
Бу қиз билан ишим йўқ энди,  
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Энди менга икки дунё бир,  
Сиғмам на ер, на осмонига,  
Томга чиқиб кетарман энди,  
Мен ҳам қизғалдоқлар ёнига.

Ҳей, юлдузлар юртида чаман,  
Булатман деб юрган тутунлар,  
Кўксим ёниб кетмоқда ёмон,  
Мендан нарироқдан ўтияглар!

Қалбда севги гулшани сўлди,  
Қолди, факат ловуллаган чўғ.  
Бу қиз билан ишим йўқ энди,  
Бу қизнинг мен билан иши йўқ...

Кел юрагим, бағримни ўйиб,  
Севгимни сувларга отамиз.  
Майсаларга бошимиз қўйиб,  
Капалак ёпиниб ётамиз.

\* \* \*

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,  
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас.  
Бир маҳалла нигоҳни кўрдим:  
Яшаш керак, севиш шарт эмас..

Садокатми?  
Кимга керак у?..  
Беҳудадир кўз ёшинг сели.  
Юлдуз бўлиб ёғилди бир сас:  
У бегона. У энди келин...

Тўй — бу асли баджаҳл ота,  
Бахтли бўлсин қизим дегани.  
Уни сенга бермасман, бўтам,  
Тирик экан кўзим дегани.

Осмон чўкиб қолди бу оқшом,  
Қонимда бир гашлик ўрмалвар..  
Мен оловга отарман энди,  
Юрагимни қийма-қиймалаб...

Ёқа ушлаб қолсин кўрганлар,  
Оловларга отгум уни, бас.  
Ёниб кетсин чирсиллаб қалбим,  
Севиш керак... яшаш шарт эмас..

## ИШҚ КЕМАСИ

Ёлғончи ёр ёлғонларинг тугар қачон,  
Ёлғон йиглаб-қуйғанларинг тугар қачон.  
Қачон менга бир илтифот айлагайсан,  
Қачон тугар ситамларинг карвон-карвон.

Мажнун бўлдим саҳродағи бир соя йўқ,  
Меняга офтоб-қароқчидан ҳимоя йўқ,  
Үнгимда чўғ, сўлимда чўғ, кўнглимда чўғ,  
Жоним сайёд қўлидаги жайрон-жайрон.

Узун тунлар бекорга мен тўлғонмасман,  
Паризодим, сени сүйдим, ҳеч тоғмасман,  
Минг бир кеча зартак сўйла, ишонмасман,  
Ишонмай ҳам кўзимда ёш маржон-маржон.

Жаннат ишвасига учиб ким чолмаган,  
Тақдир менинг пешонамга қил ёпмаган,  
Ношуд қулман чаман кезиб гул топмаган,  
Ўз ҳолимга энди ўзим ҳайрон-ҳайрон.

Тушунмадим муҳаббатнинг шевасига,  
Кўнгил бердим сендай қизнинг нимасига?  
Нега миндим омонат ишқ кемасига...  
Ўз умримни ўзим қилдим вайрон-вайрон!

Ёлғончи ёр ёлғонларинг тугар қачон?..

\* \* \*

Улсаму унутсанг мендай йигитни,  
Егар йўлларингга афсус-андуҳим.  
Оқ тулпордай миниб оппоқ булутни,  
Ўйингнинг устидан ўтади Руҳим...

Унга нима дейсан, бевафо ёрим?

Улсаму уаутсанг мендай йигитни,  
Қаро тупроқ силаб ётса курагим,  
Сен ўчоқ олдида чакқон гугуртни  
Учида ловиллаб турса юрагим...

Шунга нима дейсан, бевафо ёрим?

Сен жудо эмассан акир, ўйлачма.  
Жонимнинг риштаси қўлида унинг.  
Аммо Муҳаммадсиз ўтмайди кунинг  
Кел, майли мен ўлмай, сен ҳам қийналма —  
Шунга нима дейсан, бевафо ёрим?!

## ЮРАГИМДА ЙУЛБАРС ЙИФЛАЙДИ

\* \* \*

Онажон,  
Онажон,  
Юрагим оғрир.  
Билмадим нимага қийнайди мани.  
Мен деҳқон боласи әдим-ку ахир,  
Наҳот шунча нозик бўлса бу жоним?..

Энди-ку ухламай ўйлар сурмайман,  
Согинсам дунёда согинганим сиз.  
Оғрир,  
Оғрийверар юрак билмайман,  
Нега оғришини вайтмас ҳам иблис.

Ё севиб қолдимми,  
Бу мумкин эмас.  
У мендан безор,  
Мен ундан безорман.  
Муҳаббат деганин қилмасман ҳавас,  
Шундай ҳам бу узун Йўл тўла армон...

Онажон,  
Онажон,  
Юрагим оғрир,  
Гўё кимдир уни тиг билан тилар.  
Кечалар елкамга ҷемирдек оғир  
Қўулларин қўяру қўзимга тикилар.

Ким у?  
Қайдан билай.  
Мен танимайман.  
Отамнинг арвоҳи ўша зот балки:  
Уйимнинг чирогин ёқмай болам, сен  
Қаерда,  
Қаерда юарсан санқиб?!

Қишлоққа кетаман,  
Тонг отса бўлди.  
Қуёш, уйғотиб қўй мени эрталаб...  
Юрагим,  
Юрагим оғримай қўйди,  
Эҳ, қалбни бир ўпид бўлмас эркалаб!

\* \* \*

Ғирот мингани Гўрўғли  
Бобом қани, айтинглар.  
Қўнғиротлик Алномиш  
Оғам қани, айтинглар...

Тустовукдай төвланган  
Оlam қани, айтинглар.  
Қўлда кийик овланган  
Далам қани, айтинглар.

Кокиллари ер ўпган  
Саман қани, айтинглар.  
Куйиб кетган жонимга,  
Малҳам қани, айтинглар.

Дардим айтсам тушунган  
Одам қани, айтинглар...

Кўнглим гулдай эзилиб,  
Кўзимга ёш тўляпти.  
Эҳ, қуёшга қўшилиб,  
Ботиб кетгим келяпти!

## ТУРНАЛАР

Иссиқ-иссиқ юртлар излаб,  
Ўтаётир турналар.  
Ҳамдаму ҳамюртлар излаб,  
Кетаётир турналар...

Ҳолидин бўлмай огоҳ,  
Қилдик гуноҳ, қилдик гуноҳ.  
Қалбию қаноти музлаб,  
Кетаётир турналар.

Хўшлешиб қуёш билан,  
Ҳароги тўла ёш билан,  
Йиглатиб, ўзлари йиглаб,  
Кетаётир турналар.

Меҳру оқибат сұраб,  
Ширин калом, сұхбат сұраб.  
Қўзга кўринмай олислаб,  
Кетаётир турналар.

Руҳи кўкларни қучиб,  
Қўнмоққа жой танлаб учиб,  
Битта-битта ер бағирлаб,  
Кетаётир турналар.

•

Құш әмас, хуллас қалом,  
Бири бобом, бири момом.  
Жоңлари жаиннатни күзлаб,  
Кетаётір турналар!..

Иссек-иссек юртлар излаб~  
Кетаётір турналар.

## **АФРОСИЁБ**

Чопди тинмай отлари  
Кўҳна тарих аробаси.  
Кўмди тупроқ додларин  
Афросиёб харобасин...

Утди дунё, кетди дунё,  
Ёпилди тўрт дарвозаси,  
Қолди Ҳайём қолди Сино,  
Мир Алишер овозаси.

Тожталабдур, тактталаб,  
Чопди падаркуш отасин.  
Қўкка сачраб қони, чакнаб  
Қолди Улугбек шодаси.

Кетди паймони тўлиб,  
Ҳатто Темурдек бобоси.  
Мангу ўчмас ёд бўлиб,  
Қолди Бобурбек номаси.

Не жаҳонгир ўчди шаъми,  
Вайрон бўлиб кошонаси.  
Шоҳлар ичра қолди номи  
Бир Машраби девонасин.

Ҳолидин бўлмай зоҳир,  
Кулганди ўз замонаси.  
Қолди Мажнун, қолди Тоҳир —  
Зуҳроларин афсонаси...

Кўзга суртгил то абад  
Тупроги жокин ноласин.  
Қадни тик тутгил, Муҳаммад,  
Сен ҳам ўшолар боласи!



Бир кун ёмон чўкиб кетди,  
Чўккан дилим.  
Оғайнилар, қани менинг  
Узув тилим?..

Ой бепарво. Осмон бегам  
Чекар чилим.  
Ҳов юлдузлар, қани менинг  
Узув тилим?..

Ураганда белбоғ етмас  
Белим қани.  
Чингизларга бош ағмаган  
Элим қани?

Ҳеч ким жавоб тополмади  
Саволимга:  
Нима гаплар келиб-кетди  
Хаёлимга.

Шу-шу юртда бош кўтариб  
Юролмайман.  
Сиз қандайу мен йыгламай  
Туролмайман...

## **ИМЗОСИЗ ХАТ**

Мукаррама Гаффорова,  
Туринг урнингиздан,  
Сиз ухлаб ётганда  
Биз ёмон чопдик.  
Ёмғирдай илтижо ёғди кўзингиздан,  
Имзосиз хат ёзган одамни топдик.

Мана у қабрингиз олдида туар,  
Бўйдор, жингалаксоч. Эркакмисан — эркак.  
Улганингиздан сўнг кечирим сўрар,  
Демак...

Мукаррама Гаффорова,  
Туринг, опажон,  
Бир оғиз гапиринг, ҳаммамиз маҳтал.  
Кейин бўла қолсин абадий макон  
Сизга ҳувиллаган шу қамиш пайкал...

Мана у қабрингиз пойида туар,  
Семиз ва отюзли Полвонсифат эркак.  
Улганингиздан сўнг кечирим сўрар,  
Демак —  
Сиз ўлдингиз унда виждан уйғонди,  
Ваҳоланки, бунга ишонмоқ қийин.

**У ёққа тўлғонди, бу ёққа тўлғонди,  
Ва... қора кўзойнак сотовлди кейин...**

**Эвди уни ҳамма танийди. Ака  
Эски паровоздек бормоқда тутаб.  
Сигир елинига ёпишган кава,  
Канадан ҳам баттар махлуққа ўхшаб..**

**Кўзингизга боқиб увишди кўнглим,  
Юрак қони билан ёзилди шу шеър.  
Мукаррама опа, ором олинг жим,  
Кўзин қарогида асрасим бу ер!**

## **МАТЕМАТИКА**

**Бақор адирларда лола тераман.  
Одамлар ҳақида ўйлар сураман.  
Харбийда кўрганим зирҳли машиналар,  
Снарядлардан ғишт ясаб,  
Осмонўпар уйлар қураман,  
Математикани ёмон кўраман.**

**Орзуларим қайсар қанотларим,  
Осмонларда учиб юраман.  
Синглим ойни ўпиб, укаларим  
Юлдузларни қучиб юраман,  
Математикани ёмон кўраман.**

**Атомлар—математика.  
Водородлар—математика.  
Қирувчи самолётлар,  
Крематориялар — математика!**

**Сен эса ширин бир дардсан.  
Сен яхши ниятсан.  
Шеъриятсан...**

## **ҚҰШИҚҚИРҚАРЛАР**

**Менинг жұнглым билан ҳисоблашмас күз,  
Унинг ұз гами бор, ұзин бұзлари.  
Білмайсіами, нега бунчалар маъюс,  
Файзулла Хұжаев күзлари?..**

**Япрокларни шамол битталаб қоқар,  
Йұлакларда ярми, шохларда ярми.  
Бу қандай гап анди; азиз ўртоқлар  
Подшоқнинг күзи ҳам шундай бўларми?..**

**Қорда ялангоёқ бориши ҳайдаб,  
Бабомнинг кўксига қўндоқ қадашди.  
Құшиқ ёзган здим мен унга атаб,  
Телевидениеда қирқиб ташлашди.**

**Хофиз қарогидан ёмғирлар ёғар,  
Ярми оғиздаю бўғизда ярми.  
Бу қандай гап энди, ахир ўртоқлар,  
Құшиқ дегани ҳам шундай бўларми?..**

**Отанғизга раҳмат, құшиққирқарлар,  
Құлни белга тираб қўйинг бир кулиб.  
Буюклар бегуноҳ ўтса — ўтарлар,  
Снага гап тегмасин, ишқилиб...**

Қаранг, күкда ойга қаро гүр қазир,  
Сувга шұнғисанғиз — сувдан чиқарлар.  
Улар ҳамма жойда ҳозири нозир,  
Барча соҳада бор құшиққырқарлар.

Құшиққырқарларқы, күзінде суртар,  
Шамоллар әқида ашулаларни.  
Мансабдан айрилиб қолмоқдан құрғар,  
Құрқмайды рузидан Файзуллаларнинг!..

Оғир, шеър ёссангу күнглинг түлмаса,  
Тегмаса ёмонга ўқдек сүзларинг...  
Аммо нега бунда маъюс бўлмаса,  
Файзулла Хўжаев кўзлари?

## **МАЪРУФ ЖАЛИЛ**

Хокисорлигим ҳам кўролмаслар бор,  
Гоҳо раҳмим келар душманларимга.  
Узун умрим узун гам бўлди, яна  
Не азоб бор мендек кўнгли яримга?..

Гоҳо ўз-ўзимни койинман: Маъруф  
Тагин айбларингдан айт бирон нарса...  
Ўзим рақибимнинг уйига бориб,  
Кечирим сўрагим келар, қийналса!

## ЯНГИ ЙИЛ ҚУШИРИ

Далангиз оппоқ қор остида қолди,  
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.  
Қўлинигиз қабарди, белингиз толди,  
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.

Баҳордан буён бир рагбатингиз йўқ,  
Меҳнат қилдингизу миннатингиз йўқ.  
Белни силарга ҳам фурсатингиз йўқ.  
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.

Осмонга туташди хирмонларингиз,  
Офтобга илашди армонларингиз,  
Қайтиб келгунича карвонларингиз,  
Деҳқонбобо, сиз ҳам энди тин олинг.

Хоҳ Янги йилдир, хоҳ Наврӯз сайлидир,  
Барча байрам асли — Сиз туфайлидир,  
Ергул олам асли сиз туфайлидир,  
Деҳқонбобо, Сиз ҳам энди тин олинг...

Далангиз оппоқ қор остида қолди,  
Деҳқонбобо, Сиз ҳам энди тин олинг.  
Қўлинигиз қабарди, белингиз толди,  
Деҳқонбобо, Сиз ҳам энди тин олинг.

## ҚАРИҚИЗ

*Манзура олага*

Қариқиз,  
Қариқиз, сенга бир савол,  
Елкангни түлдириб сочинг йигларми.  
Үттиздан кейинги тонглари малол,  
Кунлар күкрагингга ботган хайжарми?..

Қариқиз,  
Қариқиз, сенга бир савол,  
Неларни ўйлайсан кечаларда сен.  
Нималар ҳақида сурасав хаёл,  
Келинчаклар ўтган күчаларда сен?..

Сен саратонда ҳам яшнаган баҳор,  
Сен зимистанда ҳам чақнаган наҳор,  
Юзларинг ғазалу кўзларинг ғазал,  
Сенинг куйган кўнглинг гулдан-да гўзал!

Шундай гўзалсанки, ёруғ дунёда  
Сени бир кўриб сенмаган қолмаган.  
Аммо биронтаси ботиниб келиб,  
Юрак изҳорини айта олмаган... .

Гўзал қиз  
Асал қиз,  
Сенга йўқ савол,  
Сен — тенги топилмай ўтётган ҳилол!

## ҚАЛДИРГОЧ

Гуссанг менинг гуссамдир,  
Айвонимда япайсан.  
Қараб турсам, сен ҳам бир  
Дардли қушга ўхтайсан.  
Кўнглингда не саволинг,  
Нега айтмай йиғлайсан?..

Сўра, сўра, қалдирғоч,  
Кўзи қора қалдирғоч.

Сўйла қушим нолангни,  
Уйингда дон-дун йўқми.  
Уйинг тўла болангни  
Ризқин териб тил йўқми.  
Е сенда ҳам тил йўқми,  
Е сенга ҳам куи йўқми... .

Сўра, сўра, қалдирғоч,  
Кўзи қора қалдирғоч.

Бу дунёда бир одам  
Тушунмасму дил оҳинг,  
Мўминлигинг сенинг ҳам  
Бўлдими ё гуноҳинг,  
Ожиз қушинм, сенинг ҳам  
Очилсии бир дудоғинг...

Сўра, сўра, қалдирғоч,  
Кўзи қора қалдирғоч.

\* \* \*

Куз она тупроққа дардии түкар жим,  
Сарғайған даражтлар барғин түкар жим...  
Қаранг, ҳайдаб борар оппоқ даладан  
Олчоқларни фидойи юртим!

Ҳайдаб борар беҗад бүгдойзорлардан,  
Ҳайдар саройлардан креслолардан,  
Уттиз йилдан бери биринчи марта  
Пиёда кетмоқда бу йўғон гардан.

Қўнгилчанлик қўлманг зинҳор ва зинҳор,  
Юриш керак. юриш буларга кўпроқ.  
Димоги олдида қон қусар осмони,  
Товони заҳмидан чирқиллар тупроқ.

Чўян парчалари,  
Темир парчалари,  
Кўзёшдан чириган металлом булар.  
Агарда яраса, Домна печларида  
Юзтасидан битта бўйинтуруқ қўйилар!...

Сен нега имиллайсан, эй такаббур зот,  
Буми тасодифмас — ҳақиқат дерлар.  
Бу йўлнинг сўнггида сени кўр қилгай,  
Деҳқоннинг юзидан ёғилган терлар.

**Манов манзарага боқ, Ўзбекистон,  
Қикирлаб кулар бир қадокқўл синглим.  
Ў — менинг далага сочган саволим,  
Ў — менинг пахтага белангани кўнглим.**

**Буни тасодифмас — Ҳакиқат дерлар,  
Бу бир тантанаси Ленин гоясин.  
Метни иродалар, сизларни бу кун  
Буюк боболарнинг руҳи қўлласин!...**

**Куз она тупроққа борин тўкар, жим,  
Сарғайган баргларин — зарин тўкар жим,  
Қаранг, ҳайдаб борар виждан даштига  
Олчоқларни фидойи юртим.**

## **ТАРАҚҚИЁТ**

**Аёллар, пайкалдан кўтарманг бошни,  
Фақат меҳнат қилинг, йиллар кутмайди.  
Шийлонларда кутиб-кузатиыг қўёшни,  
Келажак авлодлар бизни унутмайди! .**

**Биз шундай бутифослар топамиз ҳали,  
Пахтамизни йиллаб терсак битмайди.  
Хирмонлар осмонга тегар юксалиб,  
Келажак авлодлар бизни унутмайди.**

**Эркаклар — эркаклар ўқинг, ов қилинг,  
Сўқмоқларда сўнгги жайронлар титрайди.  
Сўнгги йўлбарсларнинг терисик шилинг,  
Келажак авлодлар бизни унутмайди.**

**Огулар топамиз, чувалчанглар илиб,  
Ҳеч ким қармоқларда балиқ тутмайди.  
Дельфинлар соҳилда ётади чўзилиб,  
Келажак авлодлар бизни унутмайди... .**

**Шоирлар дунёга танитиб элин,  
Мукофотлар билан бир-бирин қутлайди.  
Навоий бобосин тушуммай тилин,  
Келажак авлодлар бизни унутмайди! .**

Буни тараққиёт дарлар. Биз ўсдик,  
Усавердик, ҳеч ким инкор етмайди.  
Тоғларни қўпориб, дарёларни тўсдик,  
Келажак авлодлар бизни унутмайди.

Шеърим — қарогимдан оққан ёшларим,  
Англармисиз уни, ҳеч хўзим етмайди..  
Баракалла сизга, замондошларим,  
Келажак авлодлар бизни унутмайди!

## ИҚРОР

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдими йигит бошимга.  
Ҳамма шоир зотин йигса — арзимас,  
Онамни соғиниб тўккан ёшимга.

Ана, улар қиласар булбулларга дўқ:  
Эй қуш, бу боғларнинг мен булбулимсан!...  
Шоирлар билан ҳеч ошнолигим йўқ.  
Мен ёруг дунёда кўнглим қулиман.

Аммо юрагимни қийнар бир азоб,  
Қўй десам қўймайди, тутқазар қалам,  
Мен кетмон сўрасам — тутади рубоб,  
Куйлайман жонимдан ўтганда алам.

Осмонга карасам кўринар тупроқ,  
Майсага термулиб ойни кўраман.  
Бу қандай кўргилик, билмайман ўртоқ  
Мен қачон далада буғдой ўраман!..

Шоирлик мен учун асло орзумас,  
Шу ҳам иш бўлдими эркак бошимга.  
Ҳамма шоир зотин йигса — арзимас,  
Уйимни соғиниб тўккан ёшимга.

**Ана, улар салқин хиёбонларда  
Энтикиб ёзишар келажакка ҳат.  
Оқибат ҳақида ҳайқиришар ва  
Абдулла Орифни қилишар тийбат. . .**

**Бўлди.  
Шеър ёзмайман.  
Мен энди одам.  
Оддий одам бўлиб яшай бошлайман.  
Кўнглимга ачиниб агар ёвсам ҳам,  
Тунда ёзиб, тонгда ўтга ташлайман!**

## **УМИД**

Мен борману бориимга ҳайронман ўзим,  
Тупроқда ҳеч қолмагандек ризқу рўзим,  
Қайга чўксам муштдай бўлиб кўкда кўзим...  
Уша бир зот қолди мени алдамаган.

Йигит умрим ўртанади қўйним чўр деб,  
Бу дунёда ҳечким сени севган йўқ деб,  
Ёлғизим деб, бир бор йўқлаб келган йўқ деб...  
Уша бир зот қолди мени алдамаган.

Куйиб кетган жонларимга малҳам тилаб,  
У тепамда ўлтиргандек бошим силаб,  
Худойим-ей, сен алдама дейман йиглаб...  
Уша бир зот қолди мени алдамаган.

Юрагимнинг бир четида қилдай умид,  
Сўнаётган шамдай ёниб турар милт-милт,  
Ёдимдасан дейман, сен ҳам ёдингда тут...  
Уша бир зот қолди мени алдамаган.

Қилдай умид тугар асли муҳаббатви,  
Қилдай умид кўрсатар минг кароматви,  
Худо бўлса алдамайди Муҳаммадни!..  
Уша бир зот қолди мени алдамаган.

\* \* \*

**Қайлардасан ўзинг, қанисан ўзинг,  
Сен кимининг бир парча жонисан ўзинг?  
Боболаринг кимдир, момоларинг ким,  
Сен қачон ўзингни танийсан ўзинг?..**

**Осмон тўла юлдуз армоиларингми,  
Сенинг бор бисотинг достонларингми.  
Алпомиш аталмиш ботиринг қани,  
Улуғбекинг қани, Бобуринг қани.**

**Қани буюк Аҳмад Яссавийларинг,  
Румийлардан колган маснавийларинг.  
Улар кечиргайми гуноҳларингни,  
Унутмагил улуг Синоларингни..**

**Кулиб кун чиқодур, йиглаб кун ботар,  
Навоийинг Ҳиротда беэга стар.  
Юзларин ёритар туңда ой балқиб,  
Машраб Балҳ дорида турибди қалқиб..**

**Ким эдингу энди ким бўлдинг бу дам.  
Сени таниёлмай аждодинг мулзам.  
Сен на йигламайсан, сен на кулмайсан,  
Фарзандларинг қабри қайда билмайсан.**

**Қайлардасан ўзинг, қанисан әлим,  
Сен қачон ўзингни танийсан, әлим?...  
Чўр остида қолган кулдайгинасан,  
Отинг бору ўзинг йўғдайгинасан!**

## **ҲАЙВОНОТ БОҒИ**

Ҳайвонот бодида жайронни кўрдим,  
Тутқулилкда дили вайронни кўрдим.

Кўрдим, қуруқ шоҳда сайрар тўтилар,  
Ингламсираб товуш қайрар тўтилар.

Товусларни пати товланиб ётар,  
Чиқмаган қуёшга тобланиб ётар.

Қанотдан айрилиб, қиласар пардоzlар,  
Осмонига энди учолмас гозлар.

Қояни харсангга алишган лочин,  
Зоти айниган ё чалишган лочин.

Бургутларнинг боши эгилган ерга —  
Булбулларнинг ёши тўқилган ерга.

Какликнинг тўши қон, тумшуқлари қон,  
Арслонларнинг матьюс кўзлари — достом...

Бу дунё аслида ҳайвонот боди,  
Муштоқ — зорлик экан бошдан оёғи.

Бир-бир барин санаф иетарман, бас-да,  
Неки гўзал бўлса — бари ҳафасда!..

## УЗБЕК

Сен пахта терардинг етти букилиб,  
Пайкалингда эдинг эй, онажоним.  
Ўзбекмисиз, дея галати кулиб,  
Мендан сўраб қолди бир танноз ҳоним.

Таннозлар билан не ишим бор.  
Е раб,  
Аммо тушундим бу ишорасига.  
Қаршимда турадин — у эрмакталаб,  
Малика боқандек фуқаросига...

Мана, газеталар чиқди қўйиндан,  
Ҳаммаси ўзича қиласди талқин.  
Тиллолар топилган эмисш уйингдан,  
Олтинга кўмилиб қолибсан, халқим!

Сен нега Ўримга бормайсан ёэда,  
Еки сен отангнинг ўгай ўглисан?  
Сўкса индамайсан, қўйми-тўқлисан,  
Үрса йиғламайсан, демак — ўгрисан!

Саҳардан шомгача мўлтираб, кўзиниг  
Кўрмай қолгунича чопдинг далангни.  
Ўғирлик қилмасанг, айт ахир ўзинг,  
Қандай боқаяпсан шунча болангни?..

**Хоним игоҳидан уққашларим бу,  
Кўнглимдан кечганин билиб турарди.  
Ясама юзида ясама қайгу  
Ўзбекмисан, дея кулиб турарди...**

**Бир боплай дедиму тилимни тийдим.  
Майли, одам куриб шунга сўз дейми.  
Ўзбекни ер танир,  
Осмон танийди,  
Танинозлар қаёқдан билсин ўзбекми!**

## **ҚАРҒА**

**Баланд шохга карға осилиб қолди,  
Бир оёғи кириб айри новдага.  
Кун бўйи силтаниб тойди ҳолидан,  
Қийин, қийин бўлди ушоқ гавдага...**

**Бизлар томошабин,  
Қарға азобда,  
Тўлғанар тўкилиб кўзларидан чўғ.  
Ундей қил, бундай қил деб ўргатамиз,  
Дараҳтга чиққани бир ёш бола йўқ.**

**Менинг ёзимда бир таниқли олим,  
Шериги раҳбарми, фақат урар дўқ.  
Мен шоир. Үзимча шеър ёзсан дейман...  
Дараҳтга чиққани бир ёш бола йўқ.**

**Бир бобой, гайрати қўзиб кетдими,  
Е ўзи ёшлиқдан бўлғанмикан шўх,  
Чинорни силкиди, тепди. Фойдасиз...  
Дараҳтга чиққани бир ёш бола йўқ.**

**Қарға аса баланд бутоқда эиди  
Тақдирга тан бериб ётарди беун.  
Тепада айланиб фарёд соларди —  
Бир дунё қузғун.**

Құш қолди сөғи осмондан бүлиб,  
Биз ҳам битта-битта тарқалиб кетдик.  
Оламни унутдик эринибгина,  
Парқу болишларда уйқу злитди. . .

Толға чолыб чиқдым.  
Дарахт жойида.  
Шох бор.  
Шохда қарта йүқ әди аммо.  
Болшга кулфат тушган кунда шеригин  
Ташлаб кетмас экан құзгуналар ҳатто!

\* \* \*

Меҳрим қаттиқ бўлди,  
Қаҳрим қаттиқ бўлди,  
Насиҳатни эса олмадим.  
Ҳарифим суюнди, дўстим куюнди,  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Осоийш ботмади бирор бир куним,  
Талашиб-тортишиб толмадим.  
«Оғирроқ бўл иним, сипороқ бўл иним...»  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Тенгимни билмасдан бир қизни суйдим,  
Суйдим сира кулмай омадим.  
«Шоҳона яшардик сўзимга кирса...»  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Қувароқ бўл дейинди, ёлгон ҳам керак  
Жиндек хушомад ҳам...  
қулоқ солмадим.  
Оқни оппоқ кўрдим, қорани қора,  
Мен ўз билганимдан қолмадим.

Кўнглим сезар, энди бу ёғи аёқ,  
Дўстларим... дўстларим, баҳтли боламан.  
Е Тошкентда энг зўр шоир бўламан,  
Е уйимга кетиб, ариқ бўйида  
Ялпизга суюниб ўлиб қоламан!

\* \* \*

Бир йил бўлди,  
Сендан келган хат —  
Қалин китоб ичида дикқат.  
Мен эса банд.  
Мен овораман,  
Марҳаматга қачон бораман?..

Бугун дўстим тугилган куни,  
Табриклайман гул билан уни.  
Торт кесаман,  
Тарвуза ёраман...  
Марҳаматга қачон бораман?

Диёримнинг байрамлари шўх,  
Байрамларда эса билет йўқ.  
Бир кассирга минг ёлвораман,  
Марҳаматга қачон бораман?..

Чимилдиққа кирмоқда бир қиз,  
Эсиз, увол кетди севгимиз.  
Ноиложмак,  
Иўқ, бечораман.  
Марҳаматга качон бораман...

Менга минг жуфт нигоҳ қадалар,  
Бошланади мушоҳадалар.

**Ўзи ёмон,  
Юзи қораман,  
Марҳаматга қачон бораман..**

**Мен эса банд,  
Мен овораман.  
Торт кесаман,  
Тарвуз ёраман.  
Бир кассирга минг ёлвораман,  
Марҳаматга қачон бораман!..**

## **УРУШ БҮЛМАСИН**

**Дувё-дунё бўлиб яралди қачон,  
Ҳаёт оҳанглари таралди қачон,  
Зулмат ёруғликни кўролди қачон?..  
Оlam нурга тўлсин, уруш бўлмасин.**

**Баҳор келганини билмасам майли,  
Қирларда лолалар термасам майли,  
Юлдуздек чарақлаб юрмасам майли,  
Инсон иқболига хуруж бўлмасин.**

**Балки умрим узун, балки қисқадир,  
Майли билмай ҳузур, ҳаловат надир,  
Майли бу оламда топмасам қадр.  
Ҳаёт чаманида сўлиш бўлмасин...**

**Наҳот ганим билса одам-одамни,  
Куйдириб кул қилса ёруг оламни,  
Мен кимга ишондим ёлғиз боламни?..  
Нима бўлса бўлсин, уруш бўлмасин!**

## САМАРҚАНД

Самарқандга борсам мен агар  
Улугбекни кўриб қайтаман.  
У кон йиғлаб турар ҳар сафар:  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Багримда бўй етган бўз болам,  
Мерган болам, лочинкўз болам,  
Бўгзимга тиг урган уз болам...  
Мен дардимни кимга айтаман.

Сезмай қолдим. Ўшанда чогим,  
Юлдузларда экан нигоҳим.  
Билмадим не эди гуноҳим...  
Мен дардимни кимга айтаман.

Қанча ғамга ботмаган эдим,  
Қанча огу ютмаган эдим.  
Ўз боламдан кутмаган эдим...  
Мен дардимни кимга айтаман.

Таним музлаб гоҳ тош қотаман,  
Мен шоҳ эмас ахир, отаман.  
Гўримда ҳам ўйлаб ётаман.  
Мен дардимни кимга айтаман?..

Самарқандга борсам мен агар  
Улугбекни кўрмай келмайман.  
У менга қон йиғлар ҳар сафар,  
Мен кимга атишни билмайман!

## **ТУРҒУНЛИК**

**Ҳатто кеч кузда ҳам тугади кўсак,  
Серҳосил Узбекистон далалари.  
Далага чиқишар кўтариб этак,  
Биринчи синф болалари...**

**Зўр келса гўдак ҳам бирлашур,  
Катталар билан тенг беллашур,  
Бўйик гўздан паст, чиллашир  
Биринчи синф болалари.**

**Совук дейсиэми?  
Ҳа, қаҳратон!  
Қўлчалар қўйинда қотгаи ион,  
Аммо нима қилсин, пахта шон,  
Биринчи синф болалари.**

**Бари жимжималар — қоғозда,  
«Зангори кема»лар — қоғозда,  
Пахта теришади аёзда,  
Биринчи синф болалари.**

**Пахта терар йиглаб бахти кулганлар,  
Омади кулганлар, аҳди кулганлар,  
Подшо боболарин Қаҳрамон қилганлар —  
Биринчи синф болалари..**

**Фақат бир илтимос, муаллимлари  
Гоҳо бурнин артиб турса бўлгани.  
Иштонин кўтариб қўйишса бас, шу  
Пахта планини тўлгани!**

## ЛАГАНБАРДОРЛАР

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,  
У ҳам фарзандидир битта инсоннинг.  
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,  
Лаганбардорлардан сўранг, Чўлпонни...

Отабек Кумушин кўзларин ёпиб,  
Ўзи ҳам ортидан қилгаち сафарлар,  
Қодирий бобонинг қўлларин ўлиб,  
Чоҳга итарган ҳам — лаганбардорлар.

Улар иблис билан тиля бир ўртоқ,  
Улар Аэроилга содиқ чопарлар.  
Аввоб Усмонларни сотиб, кейинроқ  
Фарёд кўтарган ҳам — лаганбардорлар.

Ев мадир? Зўр келса ўлдиради ёв,  
Булар ҳон сўргувчи исқаптопарлар.  
Қаҳкорни қандкасал,  
Ойбекни соқов  
Қилиб қўйганлар ҳам — лаганбардорлар..

Улар устозига қулдайин кимса,  
Меҳрибон ҳомийси шогирдларининг  
Ўзи ўлдириб, сўнг мозоригача  
Кўтариб боришар тобутларини...

Каззоб Сталиндан зорланманг ҳадеб,  
У ҳам боласи-да битта инсоннинг.  
Билмоқчи бўлсангиз, қабри қайда деб,  
Лаганбардорлардан сўранг, Чўлпонни!

## **ҚУШЛАР ҲАМ ЙИҒЛАР**

**Терлар оқди сув бўлиб биздан  
Ва гурсиллаб йиқилди терак...  
Ака, бизнинг қилмишииздан  
Тунда қушлар йиғласа керак.**

**Она чумчуқ айланиб кетмас,  
Кўнглига қил сиғмаса керак.  
Эски индан ташиб бориб хас.  
Янги инда йиғласа керак.**

**Баланд бўлар уйимиз тоғдек,  
Айвонда устун ул терак.  
Биз яшармиз кўнглимиз чоғдек,  
Шунда қушлар йиғласа керак...**

## ИЛТИЖО

Кунлар ойга, ойлар йилга айланар,  
Айланади чархи бешафқат.  
Гули хас, ғунчаси гулга айланар  
Жон ота, сен  
Қарима фақат!..

Ким қонибди неъматига бу ҳаёт?  
Ўтган кунни қандай этиб бўлар рад.  
Аммо бўлса бу думёнинг гаштига  
Қон ота, сен  
Қарима фақат...

Ешинг фалон дерлар — кимда ғаним йўқ.  
Ғанимсиз ҳам ҳато ёзув, ҳато ҳат.  
Ҳайқир, ота: бунчага кирганим йўқ,  
Тон ота, сен  
Қарима фақат...

Ким қонмаса неъматига бу ҳаёт  
Ўтган кунни этса булар рад.  
Юрганича юр, турганича турғин  
Осмон, ота сен  
Қарима фақат!

## **НАЗМИ**

Шоирлар кўп ёруғ дунёда,  
Ҳеч ким тушунмайди Назмига.  
Муҳаррирга қуллуқ зиёда,  
Дўқ қилишиб кетар — Назмига.

Меҳри дарё аёлдир жуда  
Назми, барин кўнглини овлар.  
Энг гуллаган баҳор фаслида  
Бир гул бериб қўймас, меровлар...

Шоир зоти ғалат муаммо,  
Қийин, шоирларнинг ҳасмига.  
Хотинлик бу бурчдай гап аммо,  
Улардан ҳам қийин — Назмига.

Бари ўзин даҳо деб ўйлар,  
Шеърим юксакбаҳо деб ўйлар.  
Минг айланиб, айтиб арзини,  
Қон қилишар тагин Назмини...

Биз куламиз, кулмайди Назми,  
Биз тинамиз, тинмайди Назми.  
Ёлғон гапни билмайди Назми,  
Демак — юзга кирмайди Назми...

Озингина бир аёлдир у,  
Бир мўмину бир ҳалолдир у.  
«Инсоф қани, шоирим» деган  
Ҳаммамизга бир саволдир у!

## ТИЛЛАҚҮНГИЗ

Тұхта тилла құнғиз.  
У ёққа борма.  
Ариқдан үтдингミ — у ёғи гүза.  
Тоңт олди бошлаган ишиңдан қолма,  
Ялпизнинг лабидан сұрабер бұса.

Тұхта тиллақұнғиз,  
У ёққа борма,  
Этик пошинасида зэзилар жонинг.  
Иисон банд, у сизнинг саломга зорми?  
Ұртоқ құмурсқалар, менга ишоннинг...

Кетди. У ғапимга қулоқ солмади,  
Рұзғор ташвишими ё бошқа үйда.  
Жониворларда ҳам тоқат колмади,  
Бир кунгина тинчиб үтирмас үйда.

Тиллақұнғиз балки.. менинг бобомдир,  
Келгандир иошимга қанча йўл бесиб.  
Ўтмишни унутмоқ кимга муносиб?..  
Қасос қилич қайрар саҳардир-шомдир.

Тұхта туғишганим, у ёққа борма!

## **ОНА**

Уч кун туролмайсиз менинг уйимда.  
Гүё кўқдан тушган каби фаришта,  
Бор-йўқ жиҳозимни қилиб саришта,  
Кетасиз-да яна келган кийимда...

Яна қучоғимга отилар шеърим,  
Мен уни мақтарман, у мақтар мени,  
Мен йўқлай олмайман, сен ахтар мени,  
Туғишганилариму туғилган ерим!..

Китобларим чиқар жиллари юпқа,  
Кўйлак олсан дейман сизга гоҳида,  
Қолдираман қишига, кузга гоҳида,  
Кейин қизларга гул киласман туҳфа.

Ойнаи жаҳондан салом бераман,  
Тилла тишларимни кўрсатиб кулиб,  
Шунда ҳўрсинарсиз менга тикилиб,  
Балки, йигларсиз, менга қайдан кўраман?..

Мен сўз қидираман, сиз менга каллиқ,  
Набиралар кирад тушларингизга,  
Устиврасиз тишлаб тишларингизда,  
Дувёда бор сулув қиз — менга каллиқ.

**Онажон, кетаман сиз энди келманг,  
Менсиз ҳам шоирдан бозор бу шаҳар,  
Секин ёнингшага чўкиб бир саҳар!  
Дардигиз сўрмасам, боламсан, деманг!..**

**Уч кун туролмайсиз менинг уйимда,  
Кўқдан тушиб келган каби фаришта,  
Бор-йўқ жиҳозимни қилиб саришта,  
Кетасиз-да яна келган кийимда.**



## ҒУРУР

Ҳозир менга кулиб қарайсан,  
Бегамгина бош иргайсан жим.  
Ва йўлингга кетаверасан,  
Худди сенга йўқдек керагим.

Малол ўйнар, йўқ савол ўйнар,  
Дугонангни кўзларида: ким?  
Бир силкиниб қўяди кафтинг,  
Худди сенга йўқдек керагим.

Қарамайман ортингдан мен ҳам,  
Тезроқ бундан кетмоқ тилагим.  
Ва шўнгийман троллейбусга  
Худди менга йўқдек керагинг...

Сени гоҳо йиғлагияг келар,  
Мени эса гоҳида ичгим.  
Шундай, шундай катта шаҳарда  
Бизга ёрдам беролмас ҳеч ким,

*Озод ақага*

\* \* \*

**Не қиласарди, ойдеккина синглим бўлса,  
Шарқираган сойдеккина синглим бўлса,  
Тўкқиз ўғил турса, кўриб кўнглим тўлса,  
Жияним-ов...**

**Не қиласарди, Алпомишдек акам бўлса,  
Яхши-ёмон кунларимда ҳамдам бўлса,  
Жонимга-жон, юрагимга малдам бўлса,  
Жигарим-ов...**

**Не қиласарди, снам бўлса, отам бўлса,  
Суяб турса, уйимда тўй-мотам бўлса,  
Дардим айтсам, тушинган бир одам бўлса,  
Дардларим-ов!..**

\* \* \*

**Юзидаи нур ёғиб тергаб юрса бир  
Оппоқ соқол — шу жаниатни кўрганинг.  
Қиёмат бу — хаста отанг қошида  
Кўлинигдан ҳеч нарса келмай турганинг!**

\* \* \*

Мана шу мен тугилган гүша,  
Үйга етдим — ариқ ҳатладим.  
Шу ерлик бир қизга ёқай деб,  
Узун-узун шеърлар ёлладим...  
Елладиму айтолмай унга  
Багри дилим тўлди дод билан.  
Осмонларга термулиб ётдим  
Томда, синглим қизгалдоқ билан.  
Осмон деганилари кенг экан,  
Бўйи бўйим билан тенг экан.  
Бу дунёда дардингиз бўлса,  
Юлдузга бахтиман денг экан...

Ҳамма юлдуз менга мўлтирас,  
Улсам мени савол ўлдирас.  
Айвондаги қалдирғочлардек  
Улар тизилишиб ўлтирас.

Қаранг, қандай бахтли боламан!  
Ўйларимда гуллар ухлайди.  
Қўзларимда жаранглар кулгу,  
Юрагимда... йўлбарс... йиглайди.

## **СОФИНЧ САТРЛАРИ**

**Синглим менинг,  
Рангпаргина синглим менинг,  
Сени кутар тор уйингда тўқиз бола,  
Кенг уйингда поёни йўқ дашту дала,  
Сен кўникдинг,  
Кўникмас ҳеч кўнглим менинг...**

**О, ёнимда бир нозанин шод кулади.  
Уига ҳамма ёзгаиларим ёд, кулади.  
Парвонадек жонимдан минг ўргилади,  
Сени ўйлаб бағрим тилим-тилим менинг.**

**Шодон шаҳар саҳаргача ялла айтар,  
Олисларда қирда тўзон — пода қайтар.  
Елинлари сутга тўлган бизнинг жайдар  
Сигиримиз чиқмас кесиб йўлим менинг.**

**Бу ерларда билишмайди бия нима,  
Адир нима, авғиз нима, қия нима.  
Акам шоир бўлиб мендан кечди дема,  
Қўшик айтсам бир елкангда қўлим менинг.**

**Қуёш чиқар, қуёш ботар, соғинаман,  
Кўкрагимда бир тош ётар, соғинаман.  
Токай чидай бу жудолик доғина ман,  
Қани ўша қозиқдаги тўним менинг!..**

**Синглим менинг,  
Хушрўйгина синглим менинг,  
Сени кутар тор уйингда тўқиз бола,  
Кеңг уйингда поёни йўқ дашту дала,  
Сен кўникдинг,  
Кўникмади кўнглим менинг.**

\* \* \*

Чўпон эдинг. Сен ҳавуз чўпон,  
Ўша-ўша сен эски чопон,  
Умринг ўтар кезиб биёбон,  
Ҳамма бало зиёлилардан...

Пахтанг бўлса чиндан ҳам юмшоқ,  
Сенинг кўнглиниг ундан ҳам юмшоқ.  
Деҳқон, сенда йўқдир ҳеч гуноҳ,  
Ҳамма бало зиёлилардан.

Узун эди елкангда кокил,  
Ҳусн эди елкангда кокил,  
Ўзбекойим, қайчимас қотил —  
Ҳамма бало зиёлилардан.

Атомни кашф этган ҳам ўша  
Юлдузга тош отган ҳам ўша,  
Қодирийни сотган ҳам ўша...  
Ҳамма бало зиёлилардан.

Тарих зада риёликлардан,  
Айрилиғу жудоликлардан.  
Ҳамма бало зиёлилардан,  
Ҳажма бало зиёлилардан.

Олим бўлма, одам бўл, эй зот,  
Шоир бўлсанг, бир дилни уйғот,  
Шунда мангу, шунда умрбод  
Япннар дунё зиёлилардан!

\* \* \*

Тузалмайди дардим менинг,  
Ўлсам керак.

Тупроқ билан оға-инш  
Еўлсам керак.

Улім инма? Бу ҳам битта  
Сайр, Она.

Үғлинг каро ерга кетди,  
Хайр, Она...

Тузалмас бу дардим менинг,  
Умидим йўқ.

Хира шамдек қўзларимда,  
Сўймоқда чўғ.

Чўғ нимадир? Чўғ ҳам тутаб,  
Кул бўлади.

Инсон бир кун ўз майлига  
Қул бўлади...

Юрагимни тамом қилдим,  
Инглайвериб.

Ҳузуримда ажал туар,  
Қошин кериб.

Мен ҳаётда ўлимга тик  
Боқиб усдим...  
Қани менга аталган жой,  
Кетдик дўстим!

\* \* \*

Манга таниш юзинг, таниш кўзинг, кимсан,  
Бағри жонимни ўртайди сўзинг, кимсан.  
Қайдин бунча меҳрибонлиғ, қараб турсам.  
Турқинг одамга ўхшайди, ўзинг кимсан?...

## ҚОРА ҚҮМГОН

*Ўқтам аказа*

Момом сенга олов ёққан,  
Қора қумғон, қора қумғон.  
Бобомни ҳам ўзинг боққан,  
Қора қумғон, қора қумғон.

Онам қошида тиз чўккан,  
Қора қумғон, қора қумғон.  
Отамнинг қўллари теккан,  
Қора қумғон, қора қумғон.

Куним сенсиз ўтар, аммо,  
Қўлим кўкка етар, аммо,  
Қора қумғон, чойингдан бер,  
Қора қумғон, қора қумғон...

Улар паймоаси тўлгач,  
Удумлари унут бўлгач,  
Уйимда мунғайиб қолган,  
Қора қумғон, қора қумғон.

Келар даврон, кетар даврон,  
Ўзингдан ўзга йўқ армон.  
Ўзингдан ўзгаси ёлғон,  
Қора қумғон, қора қумғон.

Куним сенсиз ўтар, аммо,  
Қўлим кўкка етар, аммо,  
Қора қумғон, чойингдан бер,  
Қора қумғон, қора қумғон...

## ЭРИШИ

Яйловларин бўлмаса ҳам поёни,  
Қор чўққига кўй ҳайдаган ўғлони.  
Булутларга тегиб турган қояни  
Қозинқ килиб, от бойлаган ўғлони,  
Улуг тогдай улуг юртсан Марҳамат,  
Муқаддасссан, қутлуг юртсан, Марҳамат...

Хоразмшоҳ бош эгса ҳам Чингизга,  
Мадад бўлган ҳолдан тойған қирғизга.  
Ҳокон ҳийла қилганда ҳам жанг қилган,  
Қўргонлари айланса ҳам денизга,  
Сув босса ҳам ёв босмаган ҳалъамсан,  
Кийик ўтлаб юрган мовий даламсан...

Қадим Довон мамлакати аталган,  
Темур бобом ишгоҳлари қадалган,  
Тўрт ёнидан тўрт минг олам айланган,  
Айвонидан Қутайбалар ҳайдалган,  
Бир ўликасан, ҳур ўлка, бир сўз бўлган...  
Қизлари ҳам қилич билан дўст бўлган...

Бир юракдан бир юракка нетган йўл,  
Карвон кезиб етмаган йўл, етган йўл,

---

\* Э р ш и — Мингтепа ва Марҳаматнинг ҳади-  
мий номи.

Ота қасри вафо қилмай, қон йиглаб,  
Бобир мирзо Үш пиrimга ўтган йўл,  
Оқ отлиғни оқка элтган сўқмоқсан.  
Кўк отлиғни кўкка элтган сўқмоқсан...

Утov тикса қуббасида муз бўлган,  
Чодирида чақмоқлардан из бўлган,  
Минг йигитга сардор бўлган генерал  
Қурбонжон додҳоси сулув қиз бўлган,  
Номардлардан юзин бурган элатсан,  
Дор остида кулиб турган элатсан.

Сабр айлаб саргайган эҳ сарсон ал,  
Олтин бешик ортмоглаган, ҳорган эл,  
Қон бўлганда Дукчи эшон ортидан,  
Тўп оғзига таёқ тутиб борган эл,  
Подшо билан кураш тушган полвонсан,  
Ярим умри жанг, ярим умри армонсан...

Мен ҳўйнингдан чиқкан битта тўргайман,  
Тўргай бўлиб, тепангда чарх ургайман,  
Қайда юрсам сендан кўзим узмайман,  
Минг телангга юзим босиб йиглайман,  
Улугтогдай улуг юртсан Марҳамат,  
Муқаддассан, ҳутлуғ юртсан, Марҳамат!

## **ВАТАНИМ**

Мен дунёви нима қилдим,  
Ўзинг ёруғ жаҳоним,  
Ўзим ҳоқон,  
Ўзим султон,  
Сен тахти Сулаймоним,  
Елғизим,  
Ягонам дейми,  
Топинган кошонам дейми,  
Ўзинг менинг улуглардан  
Улуғимсан, Ватаним...

Шодон куним гул отган сен,  
Чечак отган изимга,  
Нолан куним юпатган сен,  
Юаинг босиб юзимга,  
Синглим дейми,  
Онам дейми,  
Ҳамдарду ҳамхонам дейми,  
Офтобдан ҳам ўзинг меҳри  
Илиғимсан, Ватаним.

Сен Машрабсан,  
Халқда тумор,  
Балхда дорга осилган,  
Навоийсан, шоҳ ёнида  
Фақирни дуо қилған,

Яссалийсан, меники деб  
Кўриинган даъво қилган,  
Минг бир ёғи очилмаган  
Кўриғимсан, Ватаним.

Сен Хўжандсан,  
Чингизларга  
Дарбозасин очмаган,  
Темур Малик орқасидан  
Сирдарёга сакраган,  
Муқанинсан қорачиги  
Оловларга саҷраган,  
Широкларни кўрган чўпон  
Чўлиғимсан, Ватаним.

Ким Қашқарни қилди макон,  
Ким Энасой томонда,  
Жалолиддин — Қурдистонда,  
Бобуринг — Ҳиндистонда,  
Бу қандай юз қоралиғ деб,  
Ётарлар зимиstonда,  
Тарқаб кетган тўқсон олти  
Уругимсан, Ватаним...

Ўғлим, десанг осмонларга  
Фирот бўлиб учгайман,  
Чамбил юртда Алномишга  
Навкар бўлиб тушгайман,  
Падаркушдан пина қилиб  
Улугбегинг қучгайман,  
Ғичир-ғичир тишимдаги  
Сўлиғимсан, Ватаним...

Ўтган кунинг — ўтган кундир,  
Ўз бошингга ётган кун,  
Қодирийни бергак замин,

**Қодирийни сотган кун.  
Қўлин боғлаб,  
Дилин доғлаб,  
Ётаклашиб кетган кун,  
Воҳ болам! — деб айтолмагаш  
Дудугимсан, Ватаним.**

**Енда қон йиглаган бир  
Шоярингга қараб қўй,  
Гар Қўқонга йўлинг тушса,  
Детдомларни сўраб қўй.  
Хеч бўлмаса Усмон хокин  
Келтироқча яраб қўй,  
Олисларда қуриб қолган  
Қудугимсан, Ватаним...**

**Сен — шохлари осмонларга  
Тегиб турган чинорим,  
Ота десам  
Уғлим деб,  
Бош эгиб турган чинорим,  
Қўйнимдаги ифтихорим,  
Бўйнимдаги туморим,  
Ўзимг менинг улуғлардан  
Улугимсан, Ватаним!**

## ҚИРУВЧИ САМОЛЁТЛАР.

Ариқда бутана сув,  
Бүйида күйлар ўтлар.  
Кўкдаги калхатлар у —  
Қиравчи самолётлар.

Олмалар тўкилар дув,  
Олмалар — ҳиссиятлар.  
Бетуйгу ниятлар у —  
Қиравчи самолётлар.

Босма, бу майса — қулгу.  
Майсалар — қувноқ ўтлар.  
Кўзёшу, кулфатлар у —  
Қиравчи самолётла...

Саргайган расми кўлда,  
Бир момо ўғлини ёдлар.  
Янги корахатлар ? —  
Қиравчи самолётлар.

Стангдан мерос шу уй,  
Онангдан ҳолган тандир.  
Кутмоқда сендав најот,  
Мұдаммад Юсуф, гапири!..

**Олимларга не бўлган,  
Битмоқда энди сабр.  
Физика сен топдингми,  
Сен топдингми, Ал-Ҳабр?..**

**Кўкларга қарайман жим.  
Бағрим индамай додлар.  
Қирувчи самолётлар,  
Қирувчи самолётлар...**

\* \* \*

**Одамга кўп нарса керакмас:**  
излагани  
**Излаб топгани.**  
**Бошланиши учун бўлса бас**  
битта —  
дўсти  
битта  
душмани..

**Кўп нарса керакмас одамга:**  
Сўқмоқ бўлса қадам гашласа.  
Ониси сог бўлса олаъда  
Қанча керак — шунча яшаса...

**Инсонга кўп нарса icerакмас:**  
**Жимлик —**  
тингач қалдироқ сасъ  
**Туманинг бир мояй парчаси.**  
**Бир — ҳаёт**  
**Бир —**  
ўлим шарпасъ

**Шарқираган тонг'и газета —**  
Инсоният ҳолидай хабар.  
**Ва бор-йўги бир ғланета:**  
**Замин!**  
**Етар шу бўлса яар.**

Ва — бир йўлак юлдузлааро  
Узра елдек учмоқ орзуси.  
Бу, умуман, озгина,  
зоро,  
Бу, умуман,  
майда гап ўзи.

Бу на уявол.  
Бу на ёбрўмас.  
Инсонга кўп нарса керакмас.  
Уз уйда жимдир кутса,  
бас.

*Роберт Рождественский*

\* \* \*

**Мұҳаббатдан бошланар бары...**

**Дерлар:**

**Анвал**

**сүз**

бұлмис пайдо.

**Мен кайтариб айтамас аммо:**

**Мұҳаббатдан бошланар бары!**

**Мұҳаббатдан бошланар бары:**

тонг ёриши,

меңнат хохиши,

гүл ёқиши,

гүдак бокиши —

**мұҳаббатдан бошланар бары.**

**Мұҳаббатдан бошланар бары,**

**Мұҳаббатдан!**

**Хатто нафрат хая,**

**Бир умрлик, мен сизга айтсам,**

**Севгишинг синглиси туғишиан.**

**Мұҳаббатдан бошланар бары:**

Оразу, құрқуын,

Шароб пороху,

Фожеа,

там

**Фидоликлари —**

**Муҳаббатдан бошланар бари.**

«Яша», дейди баҳор гуллари  
пичирлаб ва сен уйғонасан,  
Тикланасан.  
Ва бошланасан,  
**Муҳаббатдан**  
**бошланар бари!**

## ОСМОННИНГ ОХИРИ

*Мансура*

Осмоннинг охири қаерда, дедим бир донишга. У миң  
этмади.

Менга жуда ёқди бу жавоб.

Осмоннинг охири йўқ, ахир!

Ирмоқнинг охири дарё. Даъённинг охири денгиз.

Осмоннинг эса охири йўқ.

Йўл четида юмалаб ётган тошни тепдим. Тошдан  
садо чиқмади.

Худога солдим, дегани бу.

Олма шоҳига осилиб деворга чикдим. Тўкилган мева  
кумурсқаларга зрмак бўлди. Тўкилган девор тупроғи  
эса гуноҳимга гуноҳ бўлиб қўшилди.

Тунда пахсакаш чол тушимга кирди. Менинг ширин  
үйқум бузилди.

Худди эски девор бузилгаідай...

Үйкунинг охири ўлим. Үлимнинг охири эса йўқ.

Бўлса ҳам ҳеч ким унга ётган эмас.

Ахир, ўлим бу ҳамма најсаннинг охири-да.

Одамнинг умри тоҳо ерди ётган қофозча ҳам эмас.

Эрталаб ишга кетаётиб кўрган қофозингни кечда  
қайтишда ҳам кўришин мумкин. Эрталаб кўрган  
одамни эса ҳамиша кечқурун кўравермайсан.

Чумоли чумолини ўлигини ташийди.

Бия қулунидан кўз узмай ўтлайди.

Оқибат фақат одамларди етишмайди.

**Ер одамни боқади. Кийинтиради. Одам эса бир кун уни саҳрого айлантиради.**

**Сув одамнинг мардикори: ҳосил беради, тегирмон юргизади.**

**Одам уни ўйламайди.**

**Дунёдаги хамма иарса одамга яқинлашиши билан ўзлигини йўқотади...**

**Одам одамга яқинлашгавида ҳам топганидан йўқотгани кўпроқдир...**  
Офтоб қаерга ботади, дейман бобомга. Осмоннинг охирига, дейди у . Офтоб осмоннинг охирига бориб ботмайди, балки Йиглайди.

**Дунёдаги барча йўлларининг охири Йиги. Дунёнинг охири — қиёмат ҳам Йиги.**

**Одам йиги нималигнини азглаб етгунича яқинлари оламдан ўтган бўлади.**

**Зуҳро Тоҳирни севди. Тоҳирни сандиқка солиб дарёга отишди. Севгининг охири-Тоҳирнивг сандиги бўлди.**

**Осмоннинг охири оразунинг ҳифридай олис...**

\* \* \*

**Кўрпангга қараб оёқ узат, ҳедим ўзимга ўзим бир куни.**

**Кейин ўйланиб қолдим. Кил айтган экан бу гапни биринчи марта.**

**Эҳтимол, Одам Ато Момо Ҳаводага айтгандир. Йўқ, бу вқин кишилар бир бирига айтадиган гап эмас. Бу гап кўрпаси бир одамларнинг гапи эмас. Бинобарин, Одам Ато билан Момо Ҳаводи кўрпа нима қилсин?..**  
**Ибтидоий одамлар тери ёпини ётишган.**

**Қулларининг кўрпаси тупроқ бўлган.**

**Феодаллар кўрпа талашишмага!**

**Демак, бу ҳам капитализм иллити!**

Чақалоқ учун ҳамма нарсанинг боши — охири Она кўкраги.

Офтобни чақалоқка ўхшатиш мумкин бўлса, унинг боши осмоннинг кўксидаги. Хўш, осмоннинг боши кимниңг кўксидаги?..

Тоғларнинг боши Ернинг кўксидаги. Ернинг боши-чи?.. Билмайман. Билмаганимдаҳ хижолат ҳам эмасман. Бу ёргу дунё аслида «билмайман» деган сўздан иборат. Мен қачон тугилганимни ятиб беришган. Мен қачон юришни ўрганганимни ёлриз онам билади. Қачон тилим чиқканини ҳам.

Мен биринчи шеъримни қачон ёзганимни ўзим билмайман.

Хўш, қани ким айтади, охиргисини қачон ёзаман?.. Билиб туриб бирорга озор беришдан ёмоқи йўқ. Ўзинг ҳам билмасдан бирорга яхшилик қилишдан ортиқ яхшилик йўқ.

Шеър ёзиш ҳам ўзинг билмай бирорга яхшилик қилишдай гап.

Ҳақиқий шеърият ҳамиша оёқ остида. Мисралар қуулунлар каби тупроқка аганаб ётишибди. Тур тойчоқ чопамиз, десанг бис.

Биз ҳар замон бир оёқ естига боқиб шеър топамиш. Кейин унинг чангини қоямиз ва қанча кўп қоқсак — шунча кўп шеър йўқотамиш...

Барча буюк зотларнинг буюклиги ҳам жокисорлигини дир!

Эҳтимол, осмоннинг охири ҳам Қодирий қабрининг пойирадир.

\* \* \*

Мен ҳозир Ерни ушлаб тўхтатаман. Нега тинмай айланаверади у.

Наҳот зерикмаган бўла?

Ернинг охири қайдаги? Тасаввурни-чи?..

**Аниқ ракамларни жиним сўймайди. Учбурчаклар-  
тасаввур кафаслари дир. Хаёл сўқмоги қисқа  
аотларнинг умири ҳам қисқадир.**

**Менинг кимлигимни  
бilmайди ҳечким.  
Мен бир ғалатиман.  
Мен — алоҳида.  
Кийикнинг қонини  
келади ичгим,  
Чаённи чайнагим,  
келар гоҳида...**

**Машаққатнинг охири роҳат. Роҳатнинг охири яна  
машаққат.**

**Куннинг охири тун. Туннинг эса охири йўқ. Бир оғиз  
совуқ сўз билан дилинг яна зимиштон.**

**Лоақал, бир кунгина кечтча баҳтли бўлиб юрган  
одамни топиб беринг менга!**

**Сиз минг машаққат билан чиққан чўққида капа-  
лак ҳам бор.**

**Қумурсқа ҳам яшайди. Сизнинг бу ютуғингиз улар  
учун оддий бир турмуш зашиши. Улар кунда —  
шунда.**

**Мен ҳидлаб тўймаган бедни бия қарсиллатиб  
чайнайди.**

**Ялпизни сув оқизиб кетади. Мен кўзимга суртган  
сувда қурбақа чўмилади.**

**Момақалдироқ дунёни бошига кўтариб ҳайқиради.  
Юлдузлар қўрқиб қочиб қотишади. Булутлар йир-  
лашта тушади. Ер юзида қўзиқоринлар тугилади.  
Ҳар ҳандай ҳайқириқ сўнгига нимадир дунёга  
келади.**

**Нимадир дунёдан кетади.**

**Кулиб гул очилади — йиғлаб шабнам тўкилади.**

**Дарё тошади — тоғ нурайди.**

Келин хўрсинади — янга эрмак қиласди...  
Осмоннинг эса охири йуқ. Осмоннинг охирини кўриш  
учун иўзни юмисп керак. Осмоннинг охири —  
кўнгилда. Йуқ. Осмоннинг охири — осмоннинг  
бошида!

Ҳеч кимга озори тегмай, ўзича гилдираб кета-  
ётган бир гарид чумолини босиб олдим. Унинг  
чинқириғи оламни бузди. Мен дарров атрофга қара-  
дим. Ҳайрият, ҳеч ким эшитмади...

Уша чумоли бугун инига қайтиб бормайди. Мен  
эса оқшом телевизордан сқибат ҳақида шеър  
ўқийман, кимнингдир, эҳтимол, менга ҳаваси ҳам  
келади. Кўрсатув муаллифи эса илтимосини унут-  
меганим учун ташаккур айтади.

Мен ҳам албатта унга ҳалиги чумоли ҳақида  
лом демайман...

Еировга ҳавас килган кимсани ёқтиромайман.  
Унинг шунчалик яхши инсонлигини қаёқдан билар-  
кин, деб ўйлайман. Ахир одам ўзини ўзи кимли-  
гини ҳам билмай ўтиб кетади-ку.

Менинг туғишган опам етти боласи билан ёлғиз  
колди. Мен унга ёмон бир қўшнисиличлик ёрдам  
беролмадим. У бўлса менга ҳавас қиласди. Оқда-сонда  
бир йўқлаб борсам ўтказтани жой тополмайди. Бо-  
лалари ҳам атрофимда тарвона. Улар барча қўшиқ-  
ларимни билишади. Узинни-чи?..

Осмоннинг охири баерда, дейман опажонимга.  
У бўлса менинг чарчаган деб ўйлайди. Менинг шоир  
иним чарчаган, деб ўйлайди.

Унинг оч-наҳор болалари ҳузурида уялмай ухлаб  
ҳам оламан.

Осмоннинг охири — бошинг ёстиқча етган  
жойда!

## **МУНОЖОТ**

*Шерали оғага*

Умр нима. Умр аслида бир юмалюқ тугмача йўл.  
Тугмадан сал каттароқ ё яна бир нимача йўл,  
Бешигимнинг олдидан қабримни олдигача йўл  
Мен кетарман бир куни ғаволарим, зорим қолур...

Бу узун хижрон йўлидир, бу узун азоб йўли,  
Ҳар сахар кулиб чикиб, йиглаб ботар офтоб йўли.  
Ким учун гуноҳ йўлидир, ким учун савоб йўли,  
Ҳарнадир ҳар бирiga ортимда ғирорим қолур...

Яхшилик муроди бор ҳар дилга мен жоним берай,  
Яхшиларга қўлда бору йўги имконим берай,  
Кунгли пок шогирдима булбул бу забоним берай,  
Мен кетарман бир куни зор йиглабон торим қолур...

Мен кетарман қолмагай тилла тахту қўшкларим.  
Менга бу дунёда чин келтириди баҳт қўшиқларим,  
Ўзбегим уйида янгарар ҳаммавакт қўшиқларим,  
Ёд бўлиб айтганларим, элимда алёrim қолур..

Ол, дея бир кун эгам, осмонг учса руҳларим,  
Бир ажиг мовий диёр бўйини қучса руҳларим,  
Қўк менинг иўксим бўлур, юлдузлари андуқларим,  
Гул ўлиб, гул ёпиниб ҳар дизда мозорим қолур...

Мен кетарман бир куни ғаволарим зорим қолур.

## **ОҚИБАТ**

**Меҳр юракларда қотса ичикиб,  
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи.  
Элнинг кичигини гажир кичиги,  
Улугини эса улуғи...**

**Полвони полвонни чалмоққа маҳтал,  
Дорбози дорбозин кўролмай яшар.  
Ҳофизлари қўшиқ айтишдан аввал,  
Бир-бирларин ҳаргаб овоз созлашар.**

**Зиселиларига керакмас майдон,  
Тинчтар бир-бирин сал ғўйибона.  
Олимни олимник олимлик билан,  
Шоири шоирин ҳам шоирона!..**

**Меҳр юракларда котса ичикиб,  
Оқибат ҳам бўлгай анқо уруғи.  
Элнинг кичигини гажир кичиги,  
Улугини эса чайнар улуғи.**

**Андиша деган бир бօғ бўлар вайрон,  
Гўё бу чамандаш ялмогина ўтган.  
Оналар кизларин ташимай ҳайрон,  
Қизлар оналарин исмий унутган.**

Бир умр елкада кўтариб ўзи,  
Ўзи боласининг раҳмига муштоқ,  
Ўғиллар муштидан кўкариб юзи,  
Оталар йиглагай соchlари оппоқ...

Бўлди. Шеърим тамом. Ахир сиз чираб  
Юрибсиз-ку нима қипти мен юрсам.  
Томогимда жоним турибди йиглаб,  
Жондан айриламан энди галирсам!

## БРИГАДИР

*Ленин орденли бригадир А. Ахмадов ҳаётидан лаэҳа*

Узи танишади қишлоқда,  
Хатто тилга олмай туриб отини.  
Лўндагина қилиб айтсам агар мен:  
Кунда кир ювади хотини...

Кўҳликкина хотини,  
Шўрликкина хотини.  
Кунда кир ювар-да, тушуволмас  
Эри бригадирми,  
тракторчими?..

Лекин гап бундамас.  
Гап шундаки,  
Кимки астойдил  
Ерга меҳр қўйса  
Қайтади бир кун.  
Қора терни сидириб туриб,  
Чўлпиллатиб ўлиб пешонасидав,  
Эли унга раҳмат айтади бир куни.

Мана қуллуқ қиласар  
Бу кун эл,  
Марҳаматдан тортиб Асака.  
Оёққа қалкыйди катта-ю кичик,  
Уни кўриб: — Бригадир ака!. .  
Эҳе, бу кунларга еткунча

**Озмунча машаккат чекмади.  
Юрагини анов инжиқ ерларга,  
Талагини анов инжиқ ерларга,  
Неча қайта экмади.  
Гап бунда эмас.  
Гап шундаки,  
Кимки астойдил  
Ерга меҳр ҳўйса  
Қайтади бир кун.  
Қора терни сидириб туриб,  
Чўлпиллатиб ўпиб пешонасидан,  
Эли унга раҳмат айтади бир кун.**

**Аммо,  
Қаердасиз, ўртоқ мухбирлар,  
Нималарни кўзлаб юрибсиз?  
Яна қаерларда,  
Яна кайси бир  
Пуфак қаҳрамонни  
Излаб юрибсиз?! .  
Истардимки, бу кун  
Бор ишни ташлаб  
Бир кишини йўқлаб келсаларингиз.  
Десаларингиз:  
Абдиҳошим Аҳмедов,  
Мунча озғисиз.  
Мунча бўлиқ ғўзаларингиз... .**

## ИЎҚЛОВ

Юртим, кўнглинигдек кенг осмонларинг бор  
Айтсан адо бўлмас армонларинг бор.  
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,  
Кўксинг тўла шаҳид ўғлонларинг бор.

Багримни ўртар бу танбур њавоси,  
Шуми шоирингга элнинг вафоси?..  
Тошларнинг остидан келиб садоси,  
Ҳамзанг ётган Шоҳимардонларинг бор...

Юртим, кўнглинигдек кенг осмонларинг бор,  
Юлдузни Йиглатган достонларинг бор,  
Осмонларнингдан ҳам дийдорингга зор  
Жайрондек термулган Чўлпонларинг бор.

Қўлинг ҳадогига босай юзимни,  
Онамсан-ку, оғир олма сўзимни,  
Қайинларга вайтиб «Қарокўзим»ни  
Сибирларда қолган Усмонларинг бор.

Алҳазар, алҳазар, минг бор алҳазар,  
Ана, юришибди кийганлари зар,  
Қодирийни сотиб шоир бўлганлар —  
Меҳробингдан чиққан чаёнларинг бор...

Қурбонинг бўлайин, эй онажоним,  
Сенинг фарёдларинг — менинг фигоним,  
Ўтмишингни ўйлаб оғрийди жоним,  
Тошларни Йиглатган достонларнинг бор.

## **САВОЛ**

**Ҳамма галинг тўғри, афлотун.  
Ерик чопиш керак, бўяш керак ромни.  
Токни кўмиш керак кечикмай, лекин  
Нима қилсак экан атомни?..**

**Китоб ёзиш керак. Тўй қилиш керак.  
Суваш керак келин тушадиган томни.  
Муолажа истаб санчиди қўяр юрак,  
Нима қилсак экан атомни.**

**Деҳқон болалари ўйнар хирмонда,  
Симга боғлаб олиб бир тешик жомни.  
Учувчи кулади кўриб осмонда.  
Нима қилсак экан атомни.**

**Кулол минг асрлик гумбазни тиклар,  
Жарроҳ тирилтирас үлган одамни.  
Ўртоқ математиклар,  
Ўртоқ физиклар,  
Нима қилсак экан атомни?**

**Ҳатто энг севимли аёл қучорида,  
Унугомайман мен гуноҳ-хатомни.  
Бир савол — хол бўлиб ёнар унинг дудорида:  
Нима қилсак экан атомни?..**

**Бешикларни қучиб айланади Ер,  
Оқар юзларидан маржон-маржон тер.  
Нима қилсак экан атомни,  
Нима қилсак экан атомни?..**

• • •

**«Оламда нима гап» бўляпти.  
Хира ёғду сочар телевизор.  
Айвонда шолчада бир бола  
Ултирадар чўнқайиб... кўйлаклари кир.**

**Ҳовлида ҳар кунги юмушлар.  
Ҳовлида ёмгир ер муштлар.  
Момоси дарразаб, беарқон  
Бузоқчани тутолмай бу он.**

**Бузокни қарғайди ҳарсиллаб,  
Қозиқни ўқталар: «Бўйният узилгур!».  
Айвончада эса бир бола  
Ултирадар чўнқайиб, иштони ҳам кир.**

**Оламда нима гап бўляпти?.**

## **МУТТАҲАМ**

**Ажойиб ёз кумларининг бирда,  
Бир увишди, бир увишди юрагим.  
Қарасам бир таяикли муттаҳамниг,  
Курагига тегиб турар курагим.**

**Вой курагим, дедқон отамдан мерос,  
Вой курагим, тилсизгина қақшайди.  
Сенга тегингандан кўра бу маҳлуқ,  
Бирор дайди ўқ теккани яхшийди... .**

**Шаҳар байрам қиласар эди уша кун,  
Лунжи шишиб карнай-сурнайин чалиб.  
Курагимни деворларга ишқасам,  
Гиштлар кўчиб тушди уялиб.**

**Ёргу дунё, авра-астаринг ағдар;  
Менинг битта душманим топсанг агар,  
У шу — хунук кулаётган муттаҳам,  
Қўзлари кўксимга ботган муттаҳам,  
Қодирийни қон қақшатган муттаҳам,  
Усмон Носирки йиглатган муттаҳам,  
Чўлпондек зотларни сотган муттаҳам,  
Бобур қабрига тош отган муттаҳам!..**

**Дўистлар, менга темир супурги беринг,  
Фаррош бўлиб супуриб чиқай изин,  
Эй-й, яшасин мамлакатда битта хам  
Муттаҳам қолмаган кун — Коммунизм!**

\* \* \*

Бу бешафқат,  
Бу беозор дунёда,  
Бу шундай кенг,  
Бу шундай тор дунёда,  
Кимлар келиб,  
Кимлар кетар дунёда,  
Құығизнинг ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиглар қримтатар дунёда?..

Хар йил баҳор уч күн яшар бойчечак,  
Ариқларнинг бўйидаги майдечак,  
Ялпизнинг ҳам Ватани бор дунёда.  
Нега йиглар қримтатар дунёда?..

Толкосадай макони бор айронни,  
Янтоқ асрар сайёдлардан жайронни.  
Қамишзорда яйраб юрган қобонни —  
Тұңғизни ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиглар қримтатар дунёда?..

Тулкидайин тутқиң бермас туллакни,  
Тулки кувиб тутолмаган ўрдакни,  
Ўрдак құнған сахродаги күлмакни —  
Хөвузни ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиглар қримтатар дунёда?..

**Ким ёлғаздир?**  
Маскани йўқ эл ёлғиз.  
Узга юртда ўсгани йўқ эл ёлғиз.  
Эртакдаги ўттиз бошли Ялмоғиз  
Ёвузни ҳам Ватани бор дунёда,  
Нега йиглар қримтатар дунёда?..

**Бу шундай кенг,**  
**Бу шундай тор дунёда,**  
**Бу бешафқат,**  
**Бу беозор дунёда,**  
**Дарвозаси йўқ бир бозор дунёда,**  
**Кимлар келиб, кимлар кетар дунёда,**  
**Нега йиглар қримтатар дунёда?!**

•

## ХИНДУ ҚҰШИҒИ

Чүчқа босиб кетди менинг богимни,  
Бири-биридан оқ, семиз чүчқалар.  
Нон сұраб ялайды ҳаммаёғимни,  
Хеч түйдім демайды, бу гүреўхталар.

Ерларга юмалаб чинқирап журам,  
Пайхон қилиб чаман гулзорларимни.  
Бузади, тер түкиб мен неки қурсам,  
Кезади мұқаддас мозорларимни.

Қандай олишайни чүчқалар билан?  
Уларнинг аждарлар билан эти бир.  
Уларнинг тузи бир бочкалар билан,  
Уларнинг калласи билаи кети бир!..

Чүчқа босиб кетди менинг богимни,  
Бири-биридан оқ, семиз чүчқалар.  
Күппалардай талаб ҳаммаёғимни,  
Хеч түйдім демайды бу гүреўхталар.

Бечора махлуқ деб раҳмим келганди,  
Ёмонлик йўқ эди асло диглимда.  
Богимни-ку вайрон қилганди. Энди  
Хўриллаб гапир дер: менинг тилимда!..

Э воҳ, чүчқалардан безорман бу кун,  
Алам гулханида ёимоқда ичим.  
Оллоҳ, оллоҳ үзинг бир чора қилгин,  
Мени түнғизларга етмайди кучим.

## МАРГИЛОН

Маргилонда нима гаво, Маргилонда,  
Қон изига кўзим тушди дастурхонда,  
Нима айб бешикдаги гўдак жонда?..  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштириди.

Эй, қоракўз оғажоним, отма мени,  
Отиб қўйиб гуноҳларга ботма мени,  
Ёв тўқиган ёлрон галга сотма мени,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштириди.

Ким қайғурсин оғаси бир, иниси бир,  
Эл қийраса элати бир, улуси бир,  
Оғир кунда азаси бир, йигиси бир,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштириди.

Қондош здинг, ноланг менинг нолам бўлди,  
Онам менинг онам, боланг болам бўлди,  
Қирқ йилдан сўнг қара, кизиқ олам бўлди,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштириди.

Дунё ўйинларин ўйлаб ўйим ёнди,  
Сенинг ўйинг змас — менинг ўйим ёнди,  
Минг йиллик бўз кўйлагим, бўз тўним ёнди,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштириди...

Марғилонда нима ғавғо, Марғилонда,  
Кўзим тушди ҳон изига, дастурхонда,  
Нима айб бешикдаги мургак жонда?  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштирди.

Иккови ҳам бирдай мўмин, бир беозор,  
Иккоан ҳам қўли қадоқ бир мардикор,  
Билсанг битта сен биласан парвардигор,  
Ўзбек билан туркни кимлар уриштири?!. .

## МАРСИЯ

Фарзанд доги куйдиради куйган сари,  
Дыйдалари кўз ўнгидан кетмас нари.  
Оназорин тилаб олган болалари,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар...

Альон-альон гуллар ёғар адирларга,  
Қўл етмайди сизлар ётган кабрларга,  
Олис юртда йўлдош бўлиб Бобурларга,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Жалолиддин ҳони жўшди қонингизда,  
Умид ҳилиб узилмаган жонингиздан  
Навоийдек зотлар ётар ёнингизда,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Ингит бўлиб яйрабгина юрмай кетган.  
Бир киз кокилларин кўзга сурмай кетгани,  
Туғилган боласин бўйин кўрмай кетган,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

Кимга керак бўлди, кимга керак бўлди,  
Сиз ўлдингиз кимнинг бўйи терак бўлди.  
Бу дунёда ўлим ҳам бир эрмак бўлди,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.

**Мен бағримдан шаънингизга шеър тиладим,  
Дунё мендан, мен дунёдан ўпкаладим,  
Туғишгандан азиз менинг укаларим,  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар.. .**

**Фарзанд доғи куйдиради куйган сари,  
Дийдалари кўз ўнгидан кетмай нари,  
Оназорик тилаб олган болалари.  
Афғон қирларида қолган баҳодирлар!**

## ГДЛЯН

Алломиш Чамбидза,  
Гўрўғли гўрда,  
Ҳақиқат бешикда ухларди қотиб.  
Бир жом олтин сўраб,  
Қилич ўйнатиб,  
Кириб келди кааштоқ ўзбек ерига —  
Тельман Хоренович... Берия...

Уйинг куйди ўзбек,  
Шўринг қуриди.  
Пойгагинг қуриди,  
Тўринг қуриди.  
Деҳқонинг,  
Чўпонинг  
Пахта чопонинг,  
Юртингдаги ҳамма зўринг, қуриди.

Отаянгни сотишка, изламадинг ҳам,  
Болангни отишса, йигламадинг ҳам,  
Йигласанг ҳам пахта териб йигладинг,  
Қотилга топганинг бериб, йигладинг...

Элим, деб ким куйса —  
Бари қамалди,  
Кимки ерин суйса —  
Бари қамалди.

**Жаллодининг разнаси тўлгунча зарга,  
Сенинг бўз кўйлагинг минг бор ямалди.**

**Эй, сен содда ҳалқим,  
Гамбода ҳалқим,  
Сек бир кун тиған кун олам оч қолар.  
Сен бир кетмон урган далангда дунё  
Юз йил ётиб еса етгай бож қолар.**

**Сенинг поклигингга шубҳа қилмасман,  
Мен сени билмасам гар — ўғилмасман.  
Фақат бошинг чиқмас мудом меҳнатдан,  
Фақат тилинг ҳачон чиқар, билмасман! .**

**Алпомиш эртакда,  
Гўрўғли гўрда,  
Тўмарис бешикда ухларди қотиб,  
Вир қоп олтин сўраб қилич ўйнатиб,  
Кириб келди мўмин ўзбек ерига —  
Тельман Хоренович... Берия.**

\* \* \*

**Еруғ дунёда ким яшайди тўйиб,  
Умр ўтиб кетгай киприк қоққунча:  
Онанг кўксига бир бошингни қўйиб,  
Боланг кўзига бир кулиб боққунча... .**

## ҚОРА ҚҮЕШ

(Достон)

«Жондан азиз синглиж Қумри!»

Мактубингга жавоб ёзаман. Шунинг учун ёзаманки, кечаси соат тўртда эслаб хат ёзганинг учун ёзаман, яна шунинг учунки ёш калбингни бахтсиз маҳбус учун эзаб ширин уйқунингни бемаъни саргузаштим билан бузганим учун ёзаман. Кўнглингни паришон килиб, уйқусиз тонг оттирганинг учун ёзаман...

Хат ёзмаганимга сабаб умидсизлик эмас, аксинча умидим порлоқ ва юксак. Очигини айтсан аччиқ турмушнинг аламли азобидан куйлоачи мактубим садоси билан сен каби меҳрибонларим кўнглини йиглатишдан сакланиш маҳсадида хат ёзишдан кечдим...

Юракни тош қилиб бўлсада увитишларизни сўрайман. Разил хаётга кўникиб колганимда ширин турмушни эслатмасангиз эди. Мен учун тўққиз кўз ёшларизни эслар эканиман, қалбим сиқилади, бахтсизлигим гавдаланыб кўз олдим қоронгулашадида, тугилганимга ҳасам ичиб, дор-дунёдан кечгим келади...

Қумри, раҳминг келса яна қайта сўрайманки, мени эсдан чикар, ортиқ мени қийнаб юрагимни ғазма...

Эҳтимол тез кунда кўришармиз. 51-йилга ҳам кўп қолмади.

Ўзини менга яқин туткан ҳариндош ва ёр-дўст-

зарга олдинги хатимда охирғи саломимни кўндирган  
әдим. Яна ҳайтаришга ўрин йўқ.

Опангга айткинки мени илтимосимни унутма-  
сиз!

Чор-ночор хайрлашиб қолувчи:

Акмал»

Боенгол. 22-XII-46.

## МУАЛЛИФДАН:

Бу жатни мен тасодифан топиб олдим. Шу ҳолида, имлоларини тузатмай, сизга ҳавола этдим.

Эҳтимол, бу мактуб Қумри исмли муштипар аёлга акасидан ёлғиз ёдгордир. Агар шуидай бўлса, мен уни згасига қайтараётганимдан хурсандман...

- Умр нима, эй одам?
- Умр йўлдир бир қулоч.
- Армон нима, эй одам?
- Армон ҳам бир эҳтиёж.
  
- Омад нима, эй одам?
- Айвондаги қалдирғоч.
- Оразу нима, эй одам?
- Бўлди, менинг қорним оч...
  
- Елғон нима, эй одам?
- Елғон — ўт ўсмас дала.
- Ҳақ нимадир, эй одам?
- Ҳақиқат — етим бола..
  
- Севги нима, эй одам?
- Севигига йўқ ҳафсала.
- Бахт нимадир, эй одам?
- Бахт — бир коса атала...  
Толкосада атала.
  
- Толкоса нима, эй одам?
- Толкоса ҳаёт, жўра.
- Атала нима, эй одам?
- Сталин бобонгдан сўрал..

\* \* \*

Соқовни ҳамашди,  
Соков «душман»ни,  
Сиёсий саводсиз,  
Анқов душмани...

Қамашди,  
Бир кунда,  
Пайсалга солмай.  
Айби аниқ эди,  
Айби маълум эди,  
У доҳий отини  
Тўғри айтолмай,  
Ҳамманинг олдида  
•Ишталин» деди!

Соқчига мўлтиарар  
Соков,  
Қалтиарар,  
Үлдиришпар зиди,  
Уни ўлдиарар.

Қолди уйи,  
Қолди — ғурбатхонаси.  
Ғурбатхонасида —  
Қари онаси.  
Яна бир зот кетди.  
Шувдай қилиб —  
Соқовнинг бошига  
Етди ўз тили...

Ўрмонда отишли,  
Қор эди қалин.  
Ииқилди

• Ҳайқириб:  
Яшашшин Ишталии!

Соқовни отишди,  
Анқовлиги учун.  
Тұғрироти —  
Тұгма  
Соқовлиги учук.

Қырқ йил бүлди бунга.  
Эллик йил бүлди-ёш.  
Мана энди,  
Соқовнинг онаси —  
Ҳақиқий соқов!

Соқов дудуқ зди  
Мундай олғанда.  
Тиллашса бүларди,  
Үлмай қолганда...

\* \* \*

«Сибирдаги саргардонлик йилларимг  
бир ҳамюртим билан учрашиб қол-  
дим. Ияғлаб кўришдик. Ҳол-аҳвол  
сўрашдик. Мен уни ҳам ўзимга  
ўхшаб беийб бадарға бўлганилардан-  
бири эканлигини сезиб турсам ҳам  
сўрадим:

— Сизни нега қамадилар, биродар?

— Сулаймон Азимовнинг «думи»-  
сан, деб!

— Кимнинг-кимнинг?

— Айтдим-ку, Азимовнинг...  
Анчадан кейин, бироз ўзимга келиб,  
секин бориб елкасидан қучдим:

— Уни тавийсизми?

— Йўқ, кўрмаганим...

— Унда келинг, танишволайлик,—  
дедим. — Менман ўша сиз айтган  
одам!..»

*Марказқўйманинг собиқ хотиби  
Сулаймон Азимов хотиралари-  
дан*

\* \* \*

Уттиз еттинчи йил кашфи сизга мана —  
Эркакларга алоҳида қамоқхона,  
Аёлларга алоҳида қамоқхона,  
Болаларга алоҳида қамоқхона...

Уттиз еттинчи йил кашфи булар барі —  
Кўринмасу даҳшат солиб шарпалари,  
Келса — яқин келмай, кетса — кетмай нари,  
Изгиб юрар Лаврентий<sup>1</sup>нинг лайчалари.

---

<sup>1</sup> Лаврентий Берия.

Бу ўлкада энди норгул йигитлар йўқ,  
Бойқушлар бор, калхатлар бор — бургутлар йўқ,  
Не-не Сулаймонлар, Абдулҳамидлар йўқ,  
Қайтармикин? Қайтмоғига умидлар йўқ...

Бедарак йўқолди канча одам, эсиз,  
Сўроқларда ўлди канча одам, эсиз,  
Қийнокларда ўлди канча одам, эсиз,  
Сиртмоқларда колди канча одам, эсиз...

Эсиз, айбин билмай ётганиларга, эсиз,  
Қабри ҳам топилмай ётгакларга эсиз.  
Үқка учиб, осонгина ўлиб кетмай,  
Урушлардан омон қайтганиларга эсиз...

Эй яшасин, бизнинг доно йўлбошчимиз —  
Иосиф Виссарионович, куёшимиз.  
У шох эди, паноҳ эди, огоҳ эди,  
Тўкилмади бошкимиздан... бир сочимиз!

\* \* \*

...Унинг учун қамоқхонада энг тансиқ нарса  
қогоз эди. У ҳамма жойдан факат қогоз қидиради. Бир дакиқа сайдага олиб чиқиши, деворлар тагида  
саргайиб, гижим бўлиб ётган бир парча когоз топиб  
олиб, боши осмонда, яна заҳ хонага қайтарди. Тер-  
гов пайти ҳам илинжи шу. Овқат пайти ҳам.

Ана шундай минг маشاққатлар билан йиққан  
қогозлари бир куни қўллэзмага айланди. Энди уни  
нима қилиб бўлса ҳам ташкарига, одамларга етка-  
зиш зарур эди. Лекин қандай қилиб?

У турма бошлиғига мурожавт қилди. Мени кабул  
қилишингизни сўрайман, деб кайта-кайта сўрайвер-  
ди. Ниҳоят бошлиқ зерикди. Қаҳратон қиши кунлар-  
нинг бирида бошлиқ иссиқ печка олдиди, сёқларини  
чилиштириб ўтириб, унинг арзини тинглади.

— Сиздан ўтиниб сўрайман. Шу қўлёзмани одамлар ўқисин. Майли, кейинроқ, оқланиб кетсан ёки...

— Бу ёққа бер, — деди бошлиқ ўрнидан турмай. Соддадил адаб, унга қўлёзмани узатди.

Бошлиқ қўлёзмани олдию гуриллаб ёниб турган пеккани ичига отди...

У яна ўша зах ва коронги хонада ўзага келди.  
«Бу аглаҳнинг олдига мени ким бошлаб бордит? Оёқларимми? Мен уларни ҳозироқ кесиб ташлайман. Наҳот шунча хўрликларни кўриб ҳам кўзим очилмади! Наҳот, бу бошда зарра акл бўлмаса, Наҳотки, у мени жаллоддан ёрдам сўраб боришга уннади! Ҳозир... Ҳозир...»

У даст ўрнидан туриб, югуриб бориб, зарб билан бошини деворга урди. Урди ва яна ураверди. Жони чиқиб кетгунча ураверди!..

Ким эди бу адаб? Қодирийми?.. Чўлпонми?  
Ёки Усмон Носирми?!

\* \* \*

Қисқагина умр кўриб, узоқ яшаб келаётган зотларга қаранг...

*Аҳмад Юенакий.*

Тушимга киради Қодирий бобом,  
Бемадор; bemажол, беҳол, беором,  
Эгнига эски бир тўн кийиб олган,  
(Шинелдир балки у, кимдандир қолган).

Ўша тўн енгига похол хам бордай,  
Бобомнинг юзлари сўярган қордай.

Йўқ, юзи сомонга ўкшайди унинг,  
Чарақлаб тургувчи кўзи тўла муынг...

**Тушимга киради Қодирий бобом:  
Тур дейди, мунча кўп ухладинг, болам.**

**Боқ, бу дам айланиб жўхоризоринг,  
Уротин қайрайди онаизоринг.**

**У ўриб бўлгунча риэқу зарингни,  
Ўйнатиб тур чиқиб, укаларингни.**

**Ва менинг саломим айт, дер, уларга —  
Бобосин соғикган мусичаларга...**

**Тушимга киради Абдулло бобом.  
Оҳ олтин бобом-а, воҳ тилло бобом.**

**Қаро ер қаърида қон йиглаб қолган  
Акмал Икром бобом, Файзулло бобом!**

## 11

**Улган ўлди — кетди.  
Ҳеч ким қайтмайди.  
Нега?  
Нима учун?  
Бу ҳам муамма.  
Тарих соқов кампир,  
Дардин айтмайди,  
Айтолмас,  
Унтиб ҳам бўлмас яммо.  
Мана,  
Қодирийни қилишар сўроқ:  
• Утган кун деган шеър сизникими?  
— Ҳа.  
Аммо у шеър эмас...  
— Жим бўлинг, ахир.  
Шеърми ё бошқами, автори сиз-да.**

**Тамом.**

Бошқа гапга колмайди ҳожат.

Терговчи — пайғамбар,

Терговчи — худо.

Темир зотдан келган буйруқ — ижозат,

Ўзбек яна битта ўглидан жудо.

**Айби шуки...**

**Айби...**

Ким билсин буни,

Балки, жуда ноёб истеъдодидир.

Отишдимикин ё осишди уни?

Балки, ҳукм ижрочиси жодидир.

Жоди деганларин билишмас ёшлар,

Билмагани маъқул бундан кейин ҳам.

Жоди орасига тушганда бошлар

Одам...

Қўзимга ёш тўлар, мана шу ерда.

Қўйнимга томп тўлар, мана шу ерда

Қўзимга тор бўлиб қолади олам.

Оҳ, олтин бобом-а, воҳ тилло бабом...

Қўрган куининг курсин, Абдулло бобом!

\* \* \*

**Ўй ёмон.**

Ўй ёмон қийнар одамни.

Илондек юракни кемирар малъун.

Урушдан чалажон қайтган отамнинг

Қирқ йилки, тилидан тушмас Сталин...

Ота,

Қўйинг, дейман.

Отажон, қўйинг.

Умрингиз ўтмоқда кимга пшониб?

Темир косов билан кўзимни ўйинг,  
Фақат бир илтимос.  
Галимнинг ўшани!..  
Ер эса айланар,  
Юмуши мул Ер.  
Оқар юзларидан  
Маржон-маржон тер...

Уйлайман,  
Заминада энг баҳтиёр зот —  
Еки академик,  
Еки бесавод.

Бири ўқиганин таҳлилин сўрмас,  
Бири ўқишига ҳам уриниб кўрмас...  
Ўй ёмон. Ўп бу — жар.  
Бу жар коронгу.  
«Қайт болам!...»  
Отамнинг сўзларимикини?  
Бу зулмат қаърида ёнган не ёғду,  
Файзулло бобомининг кўзларимникин?  
Сен нима биласав,  
Фарзанди нодон,  
Урушда юртингни асраб қолди ким?...  
Ишонч қандай унвон,  
Ишонч қандай шон,  
Ул бузрукворимга нима ҳам дердим.

Ўлган ўлди — кетди.  
Энди қайтмайди.  
Нега?  
Нима учун?  
Бу ҳам бир жумбоқ.  
Ота хатосини, угил айтмайди,  
Айттолмас,  
Унтиб ҳам бўлмас бироқ...

\* \* \*

Ииллар ҳам кўчманчи қалдиргочлардек,  
Келар,  
Кетаверар,  
Миқ атмай, беун.  
Дунёда мек ёлғиз сиғинган одам  
Фақат — Владимир Ленин.  
Ўйлайман.  
Уфқлар ортидан бир кун,  
Ўаста бўйлару  
Кўз тушар кўзга:  
Бегуноҳ узлатта кетганлар учун  
Ким жавоб беради, ўртоқлар, бисга?..  
Мен нима дегандим,  
Нима дегандим,  
Неларни қилгандим у кун васият?  
Ҳурматли юртдошлиар,  
Азиз бошингизга,  
Сталин — ўзингиз топган мусибат!..

Улган ўлди — кетди.  
Хеч ким қайтмайди.  
Нега,  
Нима учун,  
Бу энди жумбои.  
Тарих — соқоя кампир,  
Дардин айтмайди,  
Айттолмас,  
Унутиб ҳам бўлмас аммо.

\* \* \*

— Отанг ҳани, болам·ов?  
— Отам Сибирга кетган.

- Онанг қани, болам-ов?  
 — Опам ҳам бирга кетган...
- Аканг қани, болам-ов?  
 — У дунёда ухлайдир.  
 — Уканг қани, болам-ов?  
 — Кўкрак сўраб йиглайдир...
- Синглинг қани, болам-ов?  
 — Синглим ётар чалажон.  
 — Углим бўлгин, болам-ов,  
 — Нониз берми, онажон?!
- Укамни не қиласиз?  
 — Эчки сути берамиш.  
 — Синглимни не қиласиз?  
 — Тутмайиз териб берамиш...
- Чолингиз қайда, знажон?  
 — Чолим Сибирга кетган.  
 — Углингиз қайда, знажон?  
 — Углим ҳам бирга кетган.
- Энажоним, энам-ов,  
 — Энди нима қиласиз?  
 — Энанг ўлсин болам-ов,  
 Бир кунимиз кўрамиз!..

\* \* \*

«Синглим Родатхон! Уйғунникига бориб, нарсаларимни ол. Мадамин Давроннинг уйда пальтом бор. Иброҳим Назирникида этигим ҳам. Шуларни олиб келиб, меига киргизиб юбор.

Кетадиганга ўхшайман...»

*Тошкент камоқхонаси. 1937 йил.*

*Усмон Носир-*

Ватан гар дилга жо бўлса,  
Не истар у бажо бўлса,  
Ким билсип,  
Ким билсин агар,  
Менинг жоним фидо бўлса.  
Тирик юргаймиди ҳозир,  
Усмон Носир, Усмон Носир...

Бахил бўйин эгмиш қачон,  
Оқилга кун тегмиш қачон.  
Ким билсин,  
Ким билсин агар.  
Емовга ҳам жазо бўлса,  
Тирик юргаймиди ҳозир,  
Усмон Носир, Усмон Носир.

Ганим ҳар кимда бор, ганим,  
Ганимда йўқ тапим маним.  
Ким билсин,  
Ким билсин агар,  
Дўсту ёрда вафо бўлса,  
Тирик юргаймиди ҳозир,  
Усмон Носир, Усмон Носир...

Жонингдан айланай, юртим,  
Шоиринг кўп экан, кўрдим.  
Ким билсин,  
Ким билсин агар,  
Улардан бир садо бўлса,  
Тирик юргаймиди ҳозир.  
Усмон Носир, Усмон Носир.

### ФАЙЗУЛЛА ХЎЖАЕВ МАРСИЯСИ

Қадим Бухорога лайлаклар келди,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?  
Ривоятлар келди, эртаклар келди,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

Биз-ку эртакни ҳам сургаймиз кўзга,  
Муштоқмиз хабарга, муштоқмиз сўзга,  
Ҳаммадан ҳам кўпроқ муштоқмиз сизга,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Бобоюрт боғлари сиздан хотира,  
Чакнар чироқлари сиздан хотира,  
Кўзёш булоқлари сиздан хотира,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Қўймадик жойинга зъзозингизни,  
Айтмай кетдингиз-ку дил розингизни,  
Тинглаб юармизу овозингизни,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Йиғлар Самарқандга сирдош Бухоро,  
Минорада ухлар қуёш Бухоро,  
Иби Синолари талаш Бухоро.  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Тупроқнииг инсонга тортиқлари кўп,  
Тортиғидан жонга оғриклари кўя,  
Гуллаган воҳаниниг истиқлари кўп,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?..

Сизни қийнаган ким. Сизни сотган ким.  
Сизни отганлар ким — билмайди ҳеч ким,  
Сиз кетган томондан келмайди ҳеч ким,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Юракка санчилиб ағёр отған ўқ.  
Ётарсиз ерга ҳам озорингиз йўқ.  
Йўқлаб борай десак мозорингиз йўқ...  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?

Қадим Бухорога лайлаклар келди.  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо?  
Ривоятлар келди, эртаклар келди,  
Ўзингиз қайдасиз, Файзулло бобо!

«Одамлар таңдири оддий тушлик ёки кечки овқат пайтидаёқ ҳал бўларди. Сухбат орасида кимлар ингдир номлари тилга олинарди. Бирдан Сталин: «Лаврентий, чора кўра», деб қоларди. Берия эса бошқа хонага ўтиб, кайгадир қўнгироқ қиласарди. У номларини айтган одамлар шу кечасиёқ қамоқча тушарди...»

### *Маршал Жуков хотираларидан.*

Эй, гамдан буқчайган уйлари ёғоч,  
Ярми қамоқхона,  
Ярми яланғоч  
Мамлакат, қизларниг яшир олтинсоч —  
Лаврентий Павлович сайд қилмоқда!..

Байрамга қўйилган балиқдек туэлаб,  
Қотиб тур жойингда, вужудият музлаб,  
Қурбонлар устига қурбонлар излаб,  
Лаврентий Павлович сайд қилмоқда.

Бир-бирларин суюб,  
Тик туриб ухлаб,  
Вагон тўла боланг кетмокда йиғлаб,  
Паровозлар қайга элтмокда йиғлаб?..  
Лаврентий Павлович сайд қилмоқда.

Уларни кутади майдон тўла дор,  
Бу дорлар остида барча миллат бор.  
Жаллод — кўзойнакли илондек маккор,  
Лаврентий! Лаврентий сайд қилмоқда.

Кутмоқда ишқорлар қўйилган жомлар,  
Бу дўзах жомида ҳар қора шомлар

Эриб кетди не-не Акмал Икромлар...  
Лаврентий Павлович сайд қилмоқда...

Юзин бир кўрмоқса тополмай илож,  
Ким отага мұхтој,  
Ким ёрга мұхтој,  
Ким ёлғиз ўғли-ла дийдорга мұхтој,  
Лаврентий Павлович сайд қилмоқда...

Эй, ғамдан буқчайган уйлари ёгоч,  
Ярми қамоқхона,  
Ярми ялангоч,  
Мамлакат, кизларинг яшир олтынсоч —  
Лаврентий Павлович сайд қилмоқда.

¶

\* \* \*

«...Қизим Зоряни НКВД ходимлари автомобилда Малая Лубянкага олиб кеттган экан. Буни биз кейин билди. Москванинг бу бурчагида 2 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар ҳамоқхонаси жойлашганди. Ундаги режим катталарни кидан Фарқ кильмас, болалар саҳарда уйғотилар, йигирма минутлик сайддан сўнг эса сўроққа — терговчи ҳуазурига олиб кетиларди...  
Галина Серебрякова, ёзуачи.  
(«Семья» газетаси, 1988 йил маргсови).

Қушлар ҳам уйқудан уйғонмай ҳали,  
Жовдираб бир сафга тизилар бари,  
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —  
Икки яшар «халқ душманлари...»

**Терговчи — юзи қип-қизил бўрсилдоқ,  
Унинг чўнтағида минг битта қийноқ.  
Бири ўйинкароқ, бирори йиғлоқ —  
Икки яшар «халқ душманлари».**

**Уларнинг гапи йўқ бўрсилдоқларда  
Уларнинг хаёли — ўйинчоқларда...  
Уҳшайди қоракўл қўзичоқларга —  
Икки яшар «халқ душманлари».**

**Ултирап келишгандек боқчасига,  
Қўлчаларини қўйиб оёқчасига.  
Мўлтирап терговчи таёқчасига —  
Икки яшар «халқ душманлари».**

**Терговчи ҳам асли кимгадир ота,  
Терговчидаги жуда тажриба катта.  
Йўқ айбига иқрор бўлар, албатта,  
Икки яшар «халқ душманлари».**

**Йўқ айбига иқрор бўлар ҳаммаси,  
Элнинг суюқ болаларин боласи,  
Элнинг буюқ болаларин боласи,  
Икки яшар «халқ душманлари»...**

**Қўшлар уйкусидан уйғонмай ҳали,  
Жовдираб бир сафга тизилар бари,  
Мудраб йўлга тушар терговчи сари —  
Икки яшар «халқ душманлари».**

**Саволлар ёғилар.  
Саволлар тилсум,  
(Пўписа биланми дўқми, ким билсаны).  
Учга кирадими, йўқми, ким билсин...  
Икки яшар «халқ душманлари!»**

\* \* \*

•Тухачевскийни Ворошилов ёмон кўрарди. Унга ҳасад қилар эди. Жуда кўп буюк саркардаларнинг ўлимида унинг қўли бор...

Бир куни унга қишлоқларни мэз гоят тариг аҳволда эканлигини айтиб, Хрущёвга билдиришни сўраганимда у кўнмади. Айтломайман, мени Қизил майдонга дафи этишларини истайман, деди.

*Маршал Жуков хотираларидан.*

Россиянинг ярми хилват ўтлоқлар,  
Майли, бизга бўлсин узлат ўтлоклар,  
Бизга бўлаверар.  
Фақат, ўртоқлар,  
Климентни кўминглар Қизил майдонга!..

Кўрган куни озор бўлган Россия,  
Ўрмонлари мозор бўлган Россия,  
Мозорлардан безор бўлган Россия,  
Климентни кўминглар Қизил Майдонга.

Ҳаммамиздан кўпроқ «жанг» килган ўша,  
Душманлар ҳолини танг қилган ўша,  
Бундай иззат учун туғилган ўша —  
Климентни кўминглар Қизил Майдонга...

Хитойда ўлмаган Блюхер қани,  
Қийма-қийма бўлиб чопилди тани.  
Фақат удир асраб қолган Москвани —  
Климентни кўминглар Қизил Майдонга.

Қайси айби учун отилди Якир,<sup>1</sup>  
Нонушта устида сотилди Якир,

---

<sup>1</sup> Якир — командарм.

Буни ёлғиз ўша бвлади ахир, —  
Климентни кўминглар Қизил майдонга...

Климентни кўминглар Қизил майдонга,  
Тупроқда ўзига қолди жой етмай.  
Устига том қалаб, йигламай-нетмай,  
Климентни кўминглар Қизил Майдонга!

### 37 ИИЛ ЙИҒИСИ

Олов эди, шўх эди ўғлим,  
Шамол эди, ўқ эди ўғлим,  
Үйимда ион йўқ эди ўғлим,  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Майли, изинг қолсайди, ўғлим,  
Үғил-қизинг бўлсайди, ўғлим,  
Кўриб кўнглим тўлсайди, ўғлим.  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Тўлишган ой, тўлган ой, ўғлим.  
Кетган еринг қайси жой, ўғлим?  
Талаб олган Турсунбой ўғлим,  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Ениб кетсанг майлийди, ўғлим,  
Чўкиб кетсанг майлийди, ўғлим,  
Айбли бўлсанг канийди, ўғлим  
Энди менинг ҳолим не кечар?..

Деҳкон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,  
Чўлон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим,  
Ёмон бўлсанг ўлмасдинг, ўғлим...  
Энди менинг ҳолим не кечар?

Үқимай ўл, унмай ўл, ўғлим,  
Үқиб олим бўлмай ўл, ўғлим,  
Олти тилни билмай, ўл, ўғлим!..  
Энди менинг ҳолим не кечар?

V

Менга қадрдондир унинг сиймоси  
Тилим тебранмас хеч ёмон дейишга.  
У шундай буюкки,  
Йўқидир қиёси,  
Қанча буюк бўлса,  
Тубандир шунча...

У — ёруг думёда  
Тенги йўқ инсон,  
Қадрдон бегона.  
Евуз меҳрибон.  
Унинг бир қўли гул юрагигача,  
Унинг бир қўли қон билагигача!..

Ким ёлғиз боласин тополмай гўрин,  
Қонлар йиглаб ўтган бўлса дорида,  
Ўша муштипардан сўраш лозим бу  
Буюк инсон,  
Буюк жаллод ҳақида.

Сўрамг,  
Омоч сурган болакайлардан,  
Чиллак оёқларин судрашиб аранг.  
Қирқ биринчи йилда,  
Милтиқ етишмай,  
Асириярга тушган  
Аскарлардан сўранг.  
Шунида  
Аён бўлур унинг сиймоси,

**У ярмин қамаган,  
Ярмини қирган.  
Яринини қўйғану дорларга осиб,  
Қолган ярми билан  
Жангларга кирган!..**

**Унинг бутун умри  
Жумбокдан иборат,  
У айни адолат,  
У айни ғорат.  
У оқил бузғунчи,  
У моҳир меъмор —  
Инсон суюгидан солған иморат...**

**У халқлар қотили,  
Халқлар отаси,  
Тилим табранмайди  
Емон дейишга.  
У шундай улугки,  
Йўқдир қиёси,  
Қанча улуғ бўлса,  
Тубандир шунча.**

**Йўқса айтинг,  
Ким у?  
Йўқса айтинг ким?  
Ярим халқ қарғару  
Ярим халқ йиғлар.  
Менинг саволимга  
Энг тўғри жавоб  
Бера олгувчининг ҳаммаси ухлар!..**

**Менга жуда азиз  
Унинг сиймоси,  
Бир қарасам,  
Йўқдек сира қиёси.**

У бир бағридарё,  
Бир бағритошдир,  
У бир қуёш  
Аммо —  
Қора қуёшдир!

\* \* \*

- Умр нима, эй одам?
- Умр учиб кетган күш.
- Армон нима, эй одам?
- Армон эсдан чиққан түш...
  
- Омад нима, эй одам?
- Иккала сог қўлингдир.
- Орзу нима, эй одам?
- Орзу юрган йўлингдир.
  
- Елғон нима, эй одам?
- Елғон узун эртакдир.
- Ҳақ нимадир, эй одам?
- Ҳақиқат қон юракдир.
  
- Қайғу нима, эй одам?
- Қайғу ҳам ширин армон.
- Бахт нимадир, эй одам?
- Бахт бир бурда қора нон.
  
- Қора нон нима, эй одам?
- Қора нон — имон, жўра.  
Имон нима, эй одам?  
•Ҳалқ душмани•дан сўрай..

\* \* \*

Тушимга киради Қодирий бобом:  
Болам, оқибатинг йўқ экан, болам...

Бўлса агар менинг гўримни топ дер,  
Келиб очиқ қолган кўзимни ёп, дер.

Ҳаммамизга қабр бир жойдан тегди —  
Бари боболаринг ёнимда, дейди.

Етибмиз ер билан бир бўлиб пайҳон,  
Бир ёнимда Усмон, бир ёнда Чўлпон.

Кўзимиз ниғорон, кўнглимиз вайрон,  
Айбимиз не экан — ҳаммамиз ҳайрон...

Тушимга киради Қодирий бобом:  
Тур, дейди, мунча куп ухладинг, болам.

Боқ, бу дам далада қуриб мадори  
Сен учун тер тўкар онаизоринг.

У териб бўлгунча ризқу зарингни,  
Үйнатиб тур чикиб, укаларингни.

Ва менинг саломим айт дер, аларга —  
Бобосин соғинган мусчаларга...

Тушимга киради Абдулло бобом,  
Оҳ, олтми бобом-а, воҳ тилло бобом!

\* \* \*

Рутубатли Сибирь ўрмонларида  
Қайинлар ҳарсиллаб қулар, тонг отар.  
Қаранг, Чўлпонингиз сўнгги маконида  
Мардикорлар билан қучоқлашиб ётар...

Ўрмонлар чеккаси тикон далалар,  
Етибди бир дала қоракўз болалар.

**Ётар ҳеч излари топилмаганлар,  
Ун гулидан бир гули очилмаганлар...**

**Қабрлар қабрга бирлашиб кетган,  
Қўуллар бўйинларга чирмасиб кетган,  
Бамисли шоҳдан дув тўкилган бодом  
Ётибди бепоён майдон тўла одам...**

**Рутубатли Шимол ўрмонларида  
Қайинлар ҳўнгираб қуёшни уйғотар.  
Қаранг, Чўлпонингиз сўнгти маконида  
Беҳасам чоловони ёпиниб ётар.**

**Ётар алпқоматли баҳодирлар қатор,  
Акмаллар,  
Ҳодирлар,  
Шокирлар ётар,  
Ётар Файзуллалар,  
Ётар Аҳмадлар,  
Худо раҳмат қилгур, худо раҳматлар...**

**Уларнинг санори юлдуздан ҳам кўп,  
Юртим, дилбандингдир ҳар гиёҳ, ҳар чўп,  
Фидоларнинг бўлган фарзандларингдир.  
Номдору номсизин хоки пойин ўп!..**

**1988 йил.**

\* \* \*

Маъюс куним кўзим тушса  
Куяр осмон, тушуммайсан.  
Мени само тушунгайдур,  
Сен эй инсон, тушуммайсан.

Куйиб куксим ўтар бўлсам,  
Оқар бўлсам, кетар бўлсам,  
Мени дарё тушунгайдир,  
Сен эй уммон, тушуммайсан.

Менинг умрим узун армон,  
Ўзим довон, ўзим нарвон,  
Мени саҳро тушунгайдур,  
Сен эй сарбон, тушуммайсан.

Мен ҳам шайдо, мен ҳам мафтуҳ,  
Мен ҳам ҳеч кими йўқ Мажнун,  
Мени Лайлло тушунгайдур,  
Сен эй жонон, тушуммайсан.

Менинг борим эрур кўнглим,  
Менинг ёрим эрур кўнглим,  
Маъюс, танҳо тушунгайдур,  
Сен эй хандон, тушуммайсан

Кўнглим гул, кўзларим гулдур,  
Юзим гул, қўлларим гулдур.  
Мени оллоҳ тушунгайдур,  
Сен эй султан, тушунмайсан...

Маъюс куним кўзим тушса,  
Кўяр осмояв, тушунмайсан.  
Мени дунё тушунгайдур,  
Сен эй нодон, тушунмайсан!

## ДҮСТ ФИГОНИ

Қани бағрим тұлғиб юрган паллаларим,  
Мағрур қалбим күздин ёшим ҳалқоб этди.  
Құшдай учди қучогимдан болаларим,  
Уччаласи уч томонға тарқаб кетди.

Бевафо ёр пешонамнинг бүлди шүри,  
Рашк азоби ханжар мисол кўксим тилар.  
Гулдай икки қизим қани кўзим нури,  
Ўғлим қайда тентир энди, худо билар...

Кунда ўзим босиб юрган йўлагимни  
Йўқлаб борсам йўл ҳам мендан тоғиб кетди.  
Бевафо ёр әрмак қилган юрагимни  
Кўлга кўмсан кўл гуриллаб ёниб кетди.

Сув ёнарди сувда болам ёниб шу кун,  
Кўзларимга мўлтираб зор најот сўрди.  
Ёсуман ёр кулди кўриб бормай яқин,  
Ёсуман ёр менга шундай азоб берди!..

Қани бағрим тұлғиб юрган паллаларим,  
О, бўш кўнглим, күздин ёшим ҳалқоб этди.  
Құшдай учди қучогимдан болаларим,  
Уччаласи уч томонға тарқаб кетди.

Неки бўлса бўлди юрак гувоҳ менда,  
Яна куймоқ қисмат экан — куйган эдим.  
Болам-ёрда, ёрим-ётда, гуноҳ-менда,  
Билиб туриб Ёсумани суйган эдим...

\* \* \*

Тунда шеър айтишдик капалак билай,  
Ялпизни алқадим,  
Гулни алқадим.  
Ёнимга судралиб келиб бир илон  
Кўзойнак остидан бојди.  
Пайкадим.

Қувди ёлғиз ўшал ҳамхонамни у.  
Қувди париларни қувган каби деб.  
Ҳуркитиб юбориб парвонамни у  
Бўйнимга ўралиб олди:  
Мени сев!..

Чимзор.  
Чимилдиқда совуқ ёр қучдим.  
Пўстин гилам қилиб меҳробга қоқди.  
Кўзимни чирт юмиб,  
Кечалари жим  
Мен уни ўрганда —  
У мени чақди.

Чақди.  
Чақаверди заҳри сўнгунча.  
Чақди гоҳ билагим,  
Гоҳ юрагимни.  
У қанча чақса мен тирилдим шунча,

Шунча эслайвердим капалагимни!..  
Утмишни унутдим бир тушда гўё,  
Ушал чимзордаги кошонамни ҳам.  
**Аммо**  
Энди тополмасман парвонамни ҳам.

\* \* \*

Мендай гарibни ҳам кўролмаслар бор.  
Нураб борарману узим шундай ҳам,  
Тугаб борарману ўзим шундай ҳам,  
Кўксимга томай юролмаслар бор...

Товушим чиқмас бир капалакча ҳам,  
Садосиз кузатгим келар дунёни.  
Кўтаролмас ҳатто темир токча ҳам  
Улар ҳанотимга ортган риёни.

Дўстлар дегим келар,  
Бўлманг ҳавотир,  
Узоқ яшамайман шундай ҳам ўзим.  
Умрим бир боғ кезиб ўтгай наводир,  
• Сўнвар у бир очиб-юмгуинча кўзим.

Қўйишмас.  
Қўлимдан тортади бири,  
Бири оётгимдан,  
Бири сочимдан.  
Бири қўйним, бири кўнглимга кириб,  
Ҳаётдан бездирап ўттиз ёшимда.  
Утмас пичоқ билан мени сўйишиб,  
Томоша айларлар туриб сал нари.  
Худонинг қўлидан ион еб тўйишиб,  
Шайтоннинг ҳизматин ҳилишар барил..  
Мендай гарibни ҳам кўролмаслар бор.

## МЕҲМОН

Сувлар энди тиниқ тортган пайт.  
Куз. Одамлар пахта тераяпти.  
Ногоҳ ҳабар тарқалди: диққат,  
Марҳаматга меҳмон келяпти!

Келди. Кўрдик. Ана салобат.  
(Билишганда «диққат» деганилар.)  
Деҳқон юртга ёғилди шеър, байт,  
Меҳмонимиз шоир эканлар.

Далаларни айландик бир кун.  
Бир кун чиқдик от миниб қирга.  
Бизлар унинг иўнглини овладик,  
У мавзулар излади шеърга.

Кетар чогда аммо хафадек,  
Мени имлаб бармоти билан.  
Шивирлади қулоққа секин:  
Марҳаматда ҳайкал йўқ экан!..

Меҳмон кетди, айтолмай қолдим,  
Мен бир жаюб тополмай қолдим.  
Куз. Одамлар пахта тераяпти,  
На уйимга қайтолмай қолдим.

Қайтсан, тилинг йўқми, деб сўпар,  
Қайтсан, кўзинг йўқми, деб сўпар.  
Айтар сўзинг йўқми, деб сўпар,  
Жазира маҳалла пайкали...  
Марҳаматликларниг ҳайкаля!

## КОКИЛИНГ КИМ КЕСДИ, ёР

Момом ўриб ўтган соч,  
Ўсиб товои ўлган соч,  
Ўсиб товои ўлганда  
Ииглаб-йиглаб кетган соч...  
Кокилинг ким кесди ёр?

Она урфдан ким тонар,  
Багри-дилим ўртанар.  
Тошга айтсам тўлғанаар,  
Сувга айтсам сув ёнар,  
Кокилинг ким кесди ёр?..

Кокилинг узун эди,  
Сенга не ҳусн эди.  
Турмасмиди солланиб,  
Елканга турнақатор,  
Кокилинг ким кесди ёр?..

Сени қандай севардим,  
Сени жондай севардим.  
Сочингга берган озор  
Қўлларингда қасдим бор,  
Кокилинг ким кесди ёр?..

Кокилинг ким кесди ёр,  
Севгим йўлини тўсди ёр.  
Менинг кўнглим чўктириб,  
Кимнинг кўнгли ўсади, ёр...

## **КУМУШ**

Марғилонда Кумушни кўрдим,  
Кўзига ёш тўлиб турибди.  
Сочларини майдалаб ўриб,  
Отабекни кутиб юрибди.

Тонгда туриб қалам қошига  
Усма қўйган экан қурибди.  
Кўздан оққан аччиқ ёшлари  
Усмасини ювиб турибди...

Мени бир ўй қийнайди ёмон,  
Юрак яна ўйнади ёмон.  
Тошкентга қиз берма Марғилон,  
Қодирий йўқ, Зайнаблар омои!

## НИЛУФАР

Офтоб уфқұра равона бўлган,  
Осмон бўшаб қолган супадай.  
Бир гулни деб зардобга тўлган  
Жоним, сени қандай юпатай?

Кулиб турар бу ёргуғ дунё,  
Икки бети қизил олмадай.  
Баланд дорга осилдикми ё,  
Жоним, сени қандай юпатай.

Қўлим етмас бу гулга маним,  
Қўлим етмас, нимасин айтай.  
Бир гапим бор булбулга маним,  
Уни йиглаб-йиглаб уйготай.

Изламасин беҳуда, унинг  
Үхлаши йўқ ҳеч бир чаманда.  
На тонгда, на тонгдаги шудринг  
Ва на Боги Эрам томонда...

Кўнглимни шу жонон гул иси  
Келиб турган кўлларга отай.  
Улсам мени сувга кўминглар,  
Нилуфарнинг пойида ётай!

\* \*

Мұхаббаттинг мәхри менга бүлди қақат,  
Маъюс дылым армонлари қават-қават.  
Изим тұла мен сүймаган қызлар бүлди,  
Асл ёрни тушларымда күрдим фақат...

Үзи йиглаб, үзи тұхтаб түйди юрак,  
Бир күришни орзу қилмай қүйди юрак,  
Қадрим бүлак бүлди мудом дардим бүлак,  
Асл ёрни тушларымда күрдим фақат.

Жаннат гулин лабларидан лаззат сүрдим,  
Омад гулин юзларыда чиммат күрдим,  
Шоир бүлдім шоқлардан күп иззат күрдим!..  
Асл ёрни тушларымда күрдим фақат.

Ялмогизнинг ёстиғига тегди бошим,  
Евуз пари ёрингман деб әгди бошим,  
Ет қучогда увол бүлди йигит ёшим,  
Асл ёрни тушларымда күрдим фақат.

Излаганим ұша нафис дудоқ бүлди,  
Ұша олов, ұша оташ нигоқ бүлди  
Ұнгимда не қилсан бари гуноқ бүлди,  
Асл ёрни тушларымда күрдим фақат.

Сувдай оқиб үтар бүлди умр бесабр,  
Бу дунёда күрганларим таъна, жабр,  
Қадамни сал илдам бос, деб имлар қабр,  
Асл ёрни тушларымда күрдим фақат... .

## МАТЕМАТИКА ДАРСИДА

Математика қўйини тўла сир бўлади,  
Бирга бирни кўпайтиrsa — бир бўлади.  
Деразадан мўралайди олма шохи,  
Ўфқда булат — эртага ёмғир бўлади...

Математика, ёмғирларда чопгум келур,  
Жумбогингга мен ҳам жавоб топгум келур.  
Деразадан мўралайди бодом шохи,  
Боққа чиқаб қўнғизларни ўпгум келур.

Математика, мен ҳам ўйга ботгум келур,  
Ўйлаб-ўйлаб... ўзингга тош отгум келур.  
Сен самолёт каиш этасан, менинг эса  
Яхнис билан ачомлашиб ётгим келур.

Математика — ой бўлади, йил бўлади,  
Танкни танкка кўпайтиrsa — кул бўлади...  
Дунё қачон бўстон бўлар, гул бўлади?  
Адабиёт ўйлайвериб сил бўлади!

Математика, — лов-лов ёниб турган чўгсан,  
Сендан ишма ясашларин билган йўқсан.  
Деразадан мўралайди гилос шохи,  
У қўндогинг, ўзинг милтиқ, ўзинг ўқсан..

Математика, қўйнииг тўла сир бўлади,  
Бирга бирни кўпайтиrsa — бир бўлади.  
Қозурғамнинг тагида бир қумри йиғлар,  
Доскадан мени айрсанг — Шеър бўлади!

## МАДҲИЯ

Қадим юртга қайтсин қадим наволарим,  
Үтмишни ёд этай десанг ҳалқ бўл, алим.  
Алпомишга алла айтган момоларим  
Руҳини шод этай десанг ҳалқ бўл, элим.

Кўзёшларинг айланса ҳам денигизларга,  
Қўргонларинг бермагандинг Чинғизларга,  
Улугбек от қўйиб кетган юлдузларга  
Юзим босиб ўтай десанг ҳалқ бўл, элим.

Гўрўғлилар қонга ботса Ғиротларда,  
Кўр ўғиллар юртни сотса хилматларда  
Бобурлар бекабар ётса Ҳиротларда  
Бориб мен уйготай десанг ҳалқ бўл, алим.

Куйиб кетди китобларинг қарвон-қарвон,  
Синоларинг малҳамига муштоқ-зорман,  
Кўксингдаги беш асрлик куйик армон —  
Навоийга етай десанг ҳалқ бўл, элим.

Оқ кўнглингда орзуларинг турнақатор,  
Остонаигда офтоб чиқиб, офтоб ботар,  
Отамерос эркинг сенга бир ифтихор —  
Кунларингга қайтай десанг, ҳалқ бўл, элим.

Ўи беш ўғил бўлмаса ҳам тилимиз бир,  
Ўи беш ўғил бўлди қисмат йўлимиз бир,  
Дилимиз пок бўлса — демак дилимиз бир,  
Бўлмаса қон ютай десанг халқ бўл, элим.

Улуг сафда мен ҳам улуғ бир ўзбекман,  
Ўа ўйимда ўзим султон, ўзим бекман.  
Мени билмасларни мен ҳам билмасдекман,  
Билганга жон тутай десанг, халқ бўл элим!

## СУРАТ

Менинг кимлигимни  
Билмайди хеч ким.  
Мен бир ғалатиман,  
Мен алоҳида,  
кўзимнинг ёшини  
келади ичгим,  
тилимни чайнагим,  
келар гоҳида.

Ой менинг елкамга  
Ўтириб олган,  
Офтоб гавғо сочар  
Юрган йўлумга,  
Хаёл тушовидан  
Чиқолмай қолган  
Умримни толшириб  
Қўйдим кўнглимга.

Энди тошни тепсам,  
Упар изимни.  
Ерга ағанасам —  
Ер ҳам девона.  
Бармогин ўпгандим  
Суйган кизимни,  
Қўли ёниб кетди  
Гуриллаб, мана.

Ёнди,  
Ёнаверди  
кокиллари сўнг,  
чарсиллаб юраги  
Ёнди беармон.  
Ярми ёниб бўлган  
Кўйлаги бир енг  
Ишқнииг байроғига  
Айланди алвон!..

Ва ўпдим байроқни  
Мен ўша алвон.  
Олов тан,  
Олов жон,  
Олов ҳис-ҳавас.  
Қизил чўғ тўшалган  
Чиммидик томон  
Отдим мен ўзимни  
Мисли ўтинаст.

Уйгонсам — кўрпам кул,  
Ииглар севгилим.  
Мен сени йигла деб  
Қучган эдимми?  
Айиқ босган гулдай  
Эзилди кўнглим,  
Еавойи ўрдакка  
Бердим севгимни!

Ўрдак учди-кетди,  
Мунғайиб қолдим.  
Хайратим обкетди  
Қанотида у.  
Ким мени алдаса —  
Худога солдим,  
Майли, алданмасин,  
Ҳаётида у.

Қолдим. Кул кўрпамда.  
Тўшагим — тупроқ.  
Юмалаб ётаман  
Илонлар билан.  
Уларга ишондим  
Бир ёрдан кўпрақ,  
Аммо  
Илон чақар,  
Гапирмас ёлғон!. .

Менинг кимлигимни  
Билмайди ҳечким.  
Мен бир ғалтиман,  
Мен — алоҳида.  
Кийиклар конини  
келади ичгим,  
Чаённи чайнагим  
келар гоҳида.

## МУНДАРИЖА

### МЕҲР ҚОЛУР, МУҲАББАТ ҚОЛУР

* Шеърият.. . . . .	3
«Севги бамисоли лолақизғалдоқ...» . . . . .	4
* Орзу . . . . .	5
* «Кетиб қолдим далага...» . . . . .	6
* «Туя» . . . . .	6
* «Муҳаббат, сен чиройли...» . . . . .	7
* Манзара . . . . .	8
* Бир қиз бор . . . . .	9
«Ёлғон ёмон дерлар..» . . . . .	10
* «Узун кеча ўзингни ўйлаб...» . . . . .	11
«Азизимсан...» . . . . .	12
* Болакай . . . . .	13
* Санам . . . . .	14
* Қиз қарғиши . . . . .	15
* «Жонимда жон қолмас ютуриб-елиб...» . . . . .	16
* «Мудроқ босгак дилим..» . . . . .	16
* Эртак . . . . .	17
* Наврӯз . . . . .	18
* «Баҳор ўтди...» . . . . .	19
Қизил гул . . . . .	20
Тушларимга кир . . . . .	21
«Қарамайди қайрилиб бир бор...» . . . . .	23
* Ҳаёл . . . . .	24
Мадина . . . . .	25
* «Годо мен ҳам...» . . . . .	27
* Илк севги . . . . .	28

Синглимга мактуб . . . . .	29
Онаизор . . . . .	32
Меҳр қолур . . . . .	33
*Қўшиқ . . . . .	34
*Туркман қиз . . . . .	35
Андижон . . . . .	36
*Ижарада . . . . .	38
«Отам ўгитларин унутмоқдаман...» . . . . .	39
*Фарғонажон . . . . .	40
*Элим . . . . .	41
Бир куни . . . . .	43
Кинога кирмайман . . . . .	44
Марух довони . . . . .	46
Ҳақиқат . . . . .	49
*Насрулло . . . . .	51
*Бобур индоси . . . . .	52
*Қиёмат . . . . .	53
*Кивоя . . . . .	54
*Иброҳим марсияси . . . . .	55
*Бухоро . . . . .	56
*Ҳазил . . . . .	58
*Тилло балиқ . . . . .	59
*Дарё марсияси . . . . .	60
*Ният . . . . .	61

#### МУҲАББАТ БОҒИГА КИРМАДИМ БИР БОР

*Кўнглимдаги ёр . . . . .	62
*Армон . . . . .	63
«Бир куни...» . . . . .	64
«Севгим менинг...» . . . . .	66
Бир кеча . . . . .	67
Мактуб . . . . .	68
Ширин азобим — сеаги . . . . .	70
«Ситамларинг кўпdir менга...» . . . . .	73
Кечикиш . . . . .	74
*Райхон . . . . .	75

*Уруш йилларининг жонон қизлари . . . . .	77
«Хўрсинасан билдириман...» . . . . .	78
Нима девдим? . . . . .	79
*«Тойчоқ бўлиб қолсам эдим...» . . . . .	81
*«Сулувлардан сулув...» . . . . .	82
*Бир қиз йиглар . . . . .	83
Севги бу... . . . . .	85
Қалбнинг қизил гулхани сўнди . . . . .	86
«Осмон чўкиб қолди...» . . . . .	87
*Ишқ кемаси . . . . .	88
*«Улсаму унутсанг...» . . . . .	89

### ЮРАГИМДА ЙЎЛБАРС ЙИГЛАЙДИ

*«Онажон...» . . . . .	90
*«Фирот минган Гўрўғли...» . . . . .	92
Турналар . . . . .	93
Афросиёб . . . . .	95
*Бир кун ёмон...» . . . . .	97
*Имзосиз хат . . . . .	98
*Математика . . . . .	100
*Қўшикқўирқарлар . . . . .	101
*Маъруф Жалил . . . . .	103
*Янги йил қўшиғи . . . . .	104
*Қариқиз . . . . .	105
*Қалдиргоч . . . . .	106
*Куз она тупроқҳа...» . . . . .	107
Тараққиёт . . . . .	109
Иқрор . . . . .	111
*Умид . . . . .	113
*«Қайлардасак ўзинг...» . . . . .	114
*Ҳайвонот боғи . . . . .	115
Ўзбек . . . . .	116
*Қарға . . . . .	118
*Меҳрим қаттиқ бўлди...» . . . . .	120
*Бир йил бўлди...» . . . . .	121
*Уруш бўлмасин . . . . .	123

<b>Самарқанд</b>	124
*Турғунлик	125
*Лагонбадорлар	126
Қушлар ҳам йиглар	127
*Илтижо	128
*Назми	129
*Тиллақўнгиз	130
Она	131
*Фурур	133
*«Не ҳиларди...»	134
*«Юзидан нур ёғиб...»	134
•Мана шу мен...»	135
Софинг сатрлари	136
*Чўпон здинг...»	138
*«Тузалмайди дардим менинг...»	139
*«Манга таниш юзинг...»	140
*Қора қумғон	141
*Эриш	142
Ватаним	144
*Ҳирувчи самолётлар	147
*«Одамга кўп нарса...» Р. Рождественскийдан	149
*«Муҳаббатдан бошланар бари...» Р. Рождественскийдан	151
*Осмоннинг охири	153
*Муножот	158
*Оқибат	159
Бригадир	161
*Йўқлов	163
Савол	164
«Оlamda нима гап...»	165
*Муттаҳам	166
*«Бу бешафқат...»	167
*Ҳиндуд қўшиғи	169
*Марғилон	170
*Марсия	172
*Гдляи	174

*Кора қуёш (достон)	176
*«Маъюс куним кўзим тушса...»	201
*Дўст фигони	203
*«Туида шеър...»	204
*«Мендай гарибни..»	206
Мехмон	207
«Кокилинг...»	208
Кумуш	209
Нилуфар	210
*«Муҳаббатининг меҳри менга...»	211
*Математика дарсида	212
*Мадҳия	213
*Сурат	215

\*(С) Муҳаммад Юсуф, 1991 й.

**Литературно-художественное издание**

**МУХАММАД ЮСУФ**

**КОРАБЛЬ ЛЮБВИ**

**стихи и поэма**

**Художник В. Исмировский**

**Ташкент, издательско-полиграфическое объединение  
им. Г. Гуляма**

**На узбекском языке**

**Адабий-бадний нашр**

**МУХАММАД ЮСУФ**

**ИШҚ ҚЕМАСИ**

**Шеърлар ва достон**

**Faafur Fuolom nomidagi nashriyot-matbaa birlashmasi**

**Муҳаррир А. Кутбиiddинов  
Расмидар муҳаррири М. Карпузас  
Техн. муҳаррир Э. Сайдов  
Мусаҳид К. Дўстматова**

**ИБ № 4553**

**Босмахонага берилган 14.02.91. Боснига руҳсат этилган 20.05.91. Би-  
чили 70 / 90 г. Босмахона қоғози № 2. Мактаб гарнитура. Юбори  
босма. Шартли босма тобоги 8,19. Шартли кр. — оттиск 8,48. Нашр  
тобоги 6,5. Жами 10000 нусха. 1109 раҳамли буюртма. Баҳси 4 с.  
68—90 раҳамли шартнома. Faafur Fuolom nomidagi Nashriyot-matbaa  
Birlashmasi 200129. Тошкент, Нагони кӯчаси, 30.**

**Тошкент, 1-босмахона. Сағбон кӯчаси, 1 тупик, 2 ўй.**

**Юсуф, Мұхаммад.**

**Ишқ қемаси: Шеърлар ва достон.— Т.  
Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991.— 224**

«Меҳр колур, муҳаббат қолур»,—дейди шои Унинг ғафлат дунёсига айтган сўзи шу. Дарҳақиқат ҳар бир руҳ куйчиси вақт зулматида эазилади, пар чаланади қайта жамланади. Руҳий изтироблар охи оқибат жаъми инсонларга меҳр ва муҳаббат тилағтан шеърлар билан якун топади. Шоир дили хасталарни севгидан шифо толишга даъват этади. И төъдодли шоир Мұхаммад Юсуфнинг янги китоб билан кечадиган ошнолик завкли ўтишига тилаш дошимиз.

**Юсуф, Мухаммад. Корабль любви: Стихи  
и поэма.**